

Никоҳга кирмоқчи бўлганда турмуш қураётган шахсларнинг қариндошлик даражасига эътибор қилинади. Қариндошлик даражасини билишда нимага таянилади? Қариндошликни белгилловчи қонун борми?

5 бет

Судланувчининг гўё ўйламасдан, беихтиёр, ўзи ҳам, оғайнилари ҳам қутмаган ҳолда тилло буюмларни тортиб олиб қочгани ҳақидаги "чин кўнгилдан" айтган икромномаси ишгаги асл ҳолатларга эид...

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Ўшқид



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2012-yil 2-fevral, №5 (786)



Ўлкамизда қиш таровати

Шарафли иш

Ҳар қандай кишилик жамиятининг асосий таянч нуқтаси, энг аввало, инсон ва унинг манфаатлари ҳисобланади. Чунки жамиятни ҳаракатлантирувчи асосий куч инсон бўлиб, шу боис азал-азалдан инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, бурчлари каби меъёрлар ишлаб келмоқда. Бу бежиз эмас. Агар бундай меъёрлар бўлмаса ёки унга амал қилинмаса, ўша ерда кимнингдир манфаати устун қўйилиб, кимнингдир манфаатининг бузилиши ҳукми суради.

Мамлакатимизда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бунда прокуратура органларининг ўрни ва ролини таъкидлаб ўтиш жоиз. Мазкур тизим ташкил этилганидан буён ўтган даврда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти куриш мақсадига эришиш учун жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишдек вазифани бажариб келмоқда.

Айниқса, кейинги йиллар давомида прокуратура фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоячисига айланди. Прокуратура органларининг бу борадаги фаолиятларидан бири судларда фуқаролик ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлашдир. Бу борадаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда, 2011 йилда ҳам муайян ишлар

қилинди. Хусусан, мазкур йўналишда олиб борилган ишлар таҳлилига кўра, йил давомида судларда қўрилган ишлар сони 2010 йилга нисбатан 299 943 тадан 108 819 тага кўпайганиги кузатилади. Суд буйруғи тартибиде қўрилган ишлар сони 1 млн. 742 мингтани ташкил этди.

Биринчи инстанция судларида қўрилган ишларнинг 299 943 тасида ёки 61,5 фоизда прокурор иштироки тўла таъминланб, самарадорлик бирмунча ошган.

Апелляция инстанциясида бекор қилинган 1039 та суд қароридан 913 тасига, кассация инстанциясидаги 1488 тасидан 1330 тасига, назорат тартибиде 487 та суд қароридан 302 тасига прокурорлар томонидан протестлар келтирилган.

/Давоми 4-бетда/

Назорат тадбирлари давом этади

Мамлакатимизда аграр секторда олиб борилаётган ислохотлар ўзининг самарасини бермоқда. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигининг кўплаб тармоқларида ривожланиш жараёни яққол кўзга ташланмоқда. Бу борада қонунийликнинг таъминланиши муҳим аҳамият касб этади.

Прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" - ги Фармони ижроси юзасидан мунтазам равишда назорат тадбирлари амалга оширилмоқда. 2011 йилда ҳам асосий эътибор фермер хўжалиқларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, пахта ва галла экиладиган майдонлар мониторингини мунтазам ўтказиб бориш, ер ажратишдаги суиистеъмолчилик, гидротехника, мелiorация иншоотлари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлатишда хўжасизлик, минерал ўғитлар ва ёнилги-мойлаш маҳсулотларини талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш масалаларига қаратилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 2548 та текшириш ва мониторинглар натижасига кўра 110 минг 521 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш бўйича 2 минг 508 та протест келтирилди. Қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш ҳақида 5 минг 701 та тақдимнома киритилиб, прокурорларнинг тақдимнома ва қарорлари асосида 29 минг 177 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. 1 млрд. сўмдан ортик зарар айбдорлардан ихтиёрий ундирилиб, судларга 235,2 млрд. сўмлик зарарни ундириш бўйича 23 минг 746 та ариза киритилди. 54 минг 979 нафар мансабдор шахслар қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди. Шунингдек, жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 811 та жиноят иши қўзғатилди. 12 минг 812 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Ердан оқилона фойдаланиш, ер ажратишда суиистеъмолчилик ва таниш-билишчиликка йўл қўймаслик борасида олиб борилган назорат тадбирларида 13 минг 132 гектардан ортик экин майдонларидан ноқонуний ва мақсадсиз фойдаланилганлиги, 27 минг 229 гектар ер майдони эса ноқонуний ажратилганлиги аниқланиб, шундан 30 минг 679 гектари захира фондига қайтарилди ва айбдорларга нисбатан қонуний чоралар қўрилди.

Хусусан, маҳаллий ҳокимликлар томонидан 295 та ҳолатда 26 минг 137 гектар, фермер хўжалиқлари раҳбарлари томонидан 228 та ҳолатда 853,3 гектар, "Ергодезкадастр" хизмати ходимлари томонидан 4 та

ҳолатда 10 гектар, ММТП раислари томонидан 4 та ҳолатда 128 гектар экин ерлари ноқонуний равишда ажратиб берилган. Жорий йилда 95 нафар мансабдор шахс томонидан 1 минг 878 гектардан ортик ер майдони таниш-билишларига ноқонуний ажратилиб, уларнинг фаолиятига ҳомийлик қилиш, ерларни пора эвазига сотиш каби мансаб суиистеъмолчиликларига йўл қўйилганлиги фош этилди.

Масалан, Косонсой туман ҳокими С.Нодиров тумандаги 27 та фермер хўжалиқлари томонидан пахта экилиши режалаштирилган 66 гектар майдонга қонунга хилоф равишда бошқа экинлар экиб юборилганлигини билса-да, бу ҳолатни қасддан яшириб, давлатга 141,3 тонна 91 млн. сўмлик тола топшириш имкониятининг йўқотилишига сабабчи бўлган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, С.Нодировга нисбатан суднинг ҳукми билан тегишли жазо тайинланди.

Шунингдек, Оҳангарон туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи О.Фафоров "Нур" номли чойхонада фуқаро Ш.Хўжамбердиевдан фермер хўжалиги учун захира ерлардан ер ажратиб бериш эвазига 2 минг АҚШ долларини пора тариқасида олган вақтда ушланган. Ушбу ҳолат юзасидан қўзғатилган жиноят иши бўйича айбдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласи ҳал қилинди.

Ҳазорасп тумани ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Ш.Аҳмедов эса, "Эгамберди Қахрамон" фермер хўжалигига тегишли бўлган ер майдонларини "Сотимбой баликчи" фермер хўжалигига ажратиб бериш эвазига Н.Рўзметовдан 1 минг АҚШ долларини олган вақтда ушланган. Мазкур ҳолат юзасидан қўзғатилган жиноят иши бўйича айбдорлар суд олдида жавоб бермоқдалар.

2011 йилда 228 та фермер хўжалиқлари томонидан ижарага берилган 853 гектар ер майдони, шундан 89 гектари уй-жой куриш учун ноқонуний равишда фуқароларга сотиб юборилганлиги ҳолатлари ҳам аниқланиб, бартараф қилинди. Масалан, Асака туманидаги "Мунаввар тонг замини" фермер хўжалиғига раҳбари А.Каримов мансаб ваколати доирасидан четга чиқиб, 2 нафар фуқарога яқка тартибда уй-жой куриш учун 9 минг 700 АҚШ доллар эвазига қонунга хилоф равишда экин ерини ажратиб берганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди.

/Давоми 3-бетда/

Бурч ва масъулият оширилса коммунал соҳада муаммолар бўлмайди

Самарқанд вилоят прокуратураси органлари томонидан электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ва ичимлик сувини истеъмолчиларга етказиб бериш ва улардан фойдаланиш ҳамда бошқа коммунал хизматлар кўрсатиш борасидаги қонунийлик ва соҳага оид қонунлар ижроси юзасидан прокурорлик назорати ўрнатилиб, қатор тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, коммунал тўловлар таҳлил қилинганда, "Самарқанд электр тармоқлари" ОАЖ бўйича 2012 йил 1 январь ҳолатига дебитор қарздорлик 295 млрд. 498,1 млн. сўми ташкил қилган. Шундан 205 млрд. 734,8 млн. сўм аҳоли, 89 млрд. 769,3 млн. сўм эса улгуржи истеъмолчилар ҳисобига тўри келади. 2011 йилнинг январь ҳолатига нисбатан дебитор қарздорлик 2695,7 млн. сўмга камайган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги қарори ижросини таъминлаш юзасидан Давлат солиқ идоралари томонидан ҳужалик судига 8 млрд. 530,6 млн. сўмлик дебиторлик қарзларини ундириш юзасидан 228 та давво аризалари киритилди. Шундан 227 таси юзасидан ҳал қилув қарорлари чиқарилиб, ижро қилиш учун суд ижрозилари Депар-

таментига юборилди.

Бундан ташқари, вилоят ДСБ органлари томонидан ҳужалик судига аризалар киритилгунга қадар 2963 нафар қарздорлардан 1 млрд. 819,8 млн. сўмлик қарзларнинг ихтиёрий равишда ундирилиши таъминланди. Шунингдек, "Марказгазтаъминот" унитар корхонаси бўйича 2012 йил 1 январь ҳолатига дебитор қарздорлик 244 млрд. 212 млн. сўми ташкил қилган бўлиб, шундан 225 млрд. 965 млн. сўми аҳоли, 18 млрд. 247 млн. сўми улгуржи истеъмолчилар ҳисобига тўри келади.

Самарқанд вилоят "Сувокова" ишлаб чиқариш бошқармасининг 2012 йил 1 январь ҳолатига дебитор қарзлари 3 млрд. 866,4 млн. сўми ташкил этган. Бунда 2011 йил январь ҳолатига нисбатан қарздорлик 255,9 млн. сўмга камайган.

Назорат тадбирлари давомида айрим фуқаролар томонидан ўзбошимчилик билан электр энергия ҳамда газ тармоқларига ноқонуний уланishi ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Жумладан, 2011 йил 25 апрель куни ўтказилган тадбирда аниқланишча, Нарпай тумани "Тепакўрғон" маҳалла-

сида яшовчи фуқаро У.Худойбердиевнинг ўзбошимчилик билан электр тармоқларига уланishi олганлиги натижасида туман электр тармоқлари қорхонаси манфаатларига 5 млн. 417,2 минг сўм зарар етказилган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов натижасига кўра, жиноят иши айблов ҳулосаси билан туман судига юборилди. Айбдор шахсга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Худди шунингдек, 2011 йилнинг март ойида ўтказилган рейдада фуқаро А.Жўраевнинг Тайлоқ туманидаги "Дўнқишлоқ" қишлоғида оҳақ ишлаб чиқариш цехини ташкил қилганлиги аниқланди. Бу шахс газ ҳисоблабчи ўрнатмасдан, "Тайлоқтумангаз" филиали билан шартнома тўзимасдан газ тармоғига ўзбошимчилик билан уланishi, фойдаланиб келган. Натижада филиалга 8 млн. 164 минг сўмлик зарар етказган. Ушбу ҳолат юзасидан А.Жўраевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

"Иштихонтумангаз" филиали назоратчиси Х.Тилавов бўлса ўзига барикирилган "Кулжамол" маҳалласи худуди-

да газ тўлови учун йиғилган 1 млн. 300 минг сўм пулларни ўзлаштириб, талон-торож қилган. Мазкур ҳолат юзасидан Х.Тилавовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, туман судининг ҳукми билан айбланувчига тегишли жазо тайинланди.

Шунингдек, "Иссиқлик манбаи" ОАЖнинг Самарқанд шаҳар Кимёгарлар кўрғонига жойлашган қозонхонанинг иссиқлик узатиш тизимини техник ҳолати кўриб чиқилганда, ҳар бир метрининг қиймати 38,9 минг сўм, жами 926 метр, умумий қиймати 36 млн. 21,4 минг сўмлик Д-159 мм. диаметри темир трубалар, ҳар бирининг нархи 1801,4 минг сўм, умумий қиймати 12 млн. 609,8 минг сўмлик 7 та 55 квт. электродвигателлар, жами 50 млн. 620,1 минг сўмлик труба, асбоб-усуна, техника ва бошқа товар-моддий бойликлар талон-торож қилинганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, 2011 йил 1 декабрь ҳолатига "Иссиқлик манбаи" ОАЖнинг Кимёгарлар кўрғонига жойлашган қозонхонаси 17 та уй-ғой мулкдорлари ширкатига хизмат кўрсатиб, муддати ўтган 306 млн. 30,8 минг сўмлик дебитор қарздорлигига йўл қўйиб, қарздор-

Шухрат Жўраев,
Самарқанд вилоят прокуратураси
бўлим катта прокурори

ликни ундириш чоралари кўрилмаган. Натижада, Кимёгарлар кўрғонига жойлашган иссиқлик тармоқлари куз-қиш даврида ишламаган.

Мазкур ҳолат юзасидан қозонхона мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Мазкур йўналишда ўтказилган текшириш натижаларига кўра, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 41 та тақдимнома киритилиб, 21 нафар шахс расман огоҳлантирилди, 432 нафар шахс маъмурий, 486 нафар интизомий жавобгарликка тортилди. 598 млн. 133 минг сўмлик етказилган зарарнинг ихтиёрий равишда ундирилиши таъминланди. Фуқаролик судларига 281 млн. 587 минг сўмлик 585 та, ҳужалик судига 1 млрд. 435 млн. 627 минг сўмлик етказилган зарарларни ундириш ҳақида 79 та ариза киритилди. Қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 42 та жиноят иши қўзғатилди.

Иш ҳақи — муҳим аҳамиятга эга масала

Тенгел БЕКМУРАТОВ,
Амударё туман прокурори

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг машҳур беш тамойилидан бири кучли ижтимоий ҳимоя саналади. Дарҳақиқат, юртимизда аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Махсус давлат дастурлари асосида аҳоли бағаллигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, кичик бизнесни ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш орқали жамиятда барқарор ижтимоий муҳитни шакллантириш чоралари кўриломоқда.

Гап янги иш ўринларини ташкил этиш ҳақида кетар экан, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб номланган биргина 2011 йилнинг ўзида юртимизда 1 миллионга яқин иш жойлари вужудга келтирилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу — меҳнат бозорида рақобатлаша олмайдиган минглаб имконияти чекланган шахслар, ушбу бозорга эндигина кириб келаётган олий ўқув юртлири ва касб-хунар коллежларининг минглаб битирувчилари доимий иш билан таъминланди дегани.

Аmmo ҳолва деган билан оғиз чучмайди. Энди асосий эътиборни улар қанча иш ҳақи олмақда, умуман, иш ҳақини ўз вақтида ололантириши деган масалаларнинг ечимига қаратишимиз лозим. Хусусан, Амударё туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 март кунги "Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси тумандаги корхоналарда ишловчи ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақлари ундирилишига амалий ёрдам кўрсатилган ҳолда ўрганилди.

Аниқланишича, 2011 йил 1 август ҳолатига Амударё тумани йўл ҳужалиги пудрат-таъмирлаш ва фойдаланиш корхонасида ишловчи 127 на-

фар ходимнинг иш ҳақидан қарздорлик 44 млн. 754 минг 300 сўми ташкил қилган. Туман прокуратурасининг аралашуви билан ўтган йилнинг 13 августига қадар қарздорлик тўла бартараф қилинди.

Бундан ташқари, 2011 йил 1 августга "Амударё Агромаштракс МТП" масъулияти чекланган жамиятида ишловчи 106 нафар ходимнинг 78 млн. 325 минг 400 сўм иш ҳақи ўз вақтида тўлаб берилмаганлиги аниқланди. Шу сабабли МЧЖ раиси Я.Ешмуратовга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Умуман, туманда ходимларнинг иш ҳақидан қарздорликка йўл қўйилган корхоналарга "Қишлоқхўжаликкимё" худудий акциядорлик жамиятининг Амударё тумани филиали, "Амударё МТП" АЖ, "Амударё қурилиш материаллари" МЧЖлари ҳам мисол қилиб келтириш мумкин. Мониторинг жараёнида 6 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий иш қўзғатилиб, ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақидан бўлган 86 млн. 874 минг 700 сўмлик қарздорлик тўланиши таъминланди.

Туман прокуратураси томонидан фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, уларни ҳар томонлама ҳимоя қилишига қаратилган ишлар жорий йилда ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Туман прокуратураси томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонун ва қонуности ҳужжатларига қатъий амал қилиниши мунтазам суръатда ўрганиб бориламоқда. Бевосита деҳқончилик билан машғул фермер хўжаликлари томонидан ерларни экишга тайёрлашдан тортиб, ҳосилни йиғиштириб олишга қадар жараёнларда амалгаги қонун ва қонуности ҳужжатларига риоя қилиниши, фермер ва деҳқон хўжаликлари контрактация шартномаларига асосан сифати уруғлик, минерал ўғитлар, ёқилги-мойлаш материаллари ва бошқа юқори ҳосил етиштириш учун зарур воситалар билан ўз вақтида ва тўла-тўқис таъминланиши борасида доимий иш олиб бориламоқда.

Ҳақлари ундириб берилди

Абдуқундуз АБДУРАХИМОВ,
Тошлоқ туман прокурори

Таъминотчи корхоналарга нисбатан қўлланилган жиддий прокурорлик таъсир чоралари натижасида узилтирилган барҳам берилмоқда. Бу эса контрактация шартномаларида кўзда тутилган мажбуриятлар бажарилишига бевосита таъсирини ўтказмоқда. Сўнгги йилларда туманимиз деҳқонлари, аксарият фермер хўжаликлари зиммаларига олган мажбуриятларини тўқис бажаришгапти. Фалла ва пахтадан мўл ҳосил етиштириш эвазига шартнома режаларини ортиги билан адо этишгапти. Жумладан, ўтган йили туманимизда пилла, шунингдек, фалла ва пахта етиштириб топшириш борасидаги мажбуриятлар ортиги билан бажарилди.

Туман прокуратураси томонидан деҳқонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун доимий иш олиб бориламоқда. Чунончи, туманда пилла етиштириш борасидаги шартнома режаларининг бажарилиши ўрганилиб, таҳлил қилинди. 2010 йилда "Тошлоқ пилла" МЧЖ томонидан тумандаги 302 та фермер хўжаликлари билан жами 184 тонна пилла хомашёсини етиштириб бериш тўғрисида шартномалар тўзилган. Фермер хўжалиklarнинг аксарияти зиммасига олган мажбуриятларини адо этиб, шартномада кўзда тутилган миқдорда пилла хомашёсини етказиб беришган. Бирок бюрютмачи — "Тошлоқ пилла" МЧЖ масъул мансабдор шахслари етказиб берилган хомашё учун фермер хўжаликлари билан ҳисоб-китоб қилишни пайсалга солиб, шартномада кўзда тутилган мажбуриятларини қўпол равишда бузишган. Мисол учун, "Собир ота" фермер хўжалигига етказиб берилган пилла хомашёси учун тўлов етти-саккиз

ой ортага сурилган. Контрактация шартномасига асосан фермер хўжалиги МЧЖга 720 килограмм пиллани тўлик етказиб, шартномани 100 фоизга бажарган. МЧЖ раҳбарияти томонидан эса, фермер хўжалигига 1 млн. 23 минг сўм миқдорда ҳақ тўлик тўланмаган. Таққослама далолатномага кўра, МЧЖ 910 минг сўмлик қарзини тўлашдан бўйин товлаб келган. Худди шунингдек, МЧЖ томонидан 2 млн. 45 минг сўмлик 1440 килограмм пилла етказиб берган "Ғулмонжон Машираб ўғли" фермер хўжалиги билан ҳам тўлик ҳисоб-китоб қилинмаган. Хўжаликнинг 312 минг сўм ҳақини тўлаш турли асосиз баҳоналар билан ортага суриб келинган. Туман прокуратураси томонидан ўтказилган таҳлилларда бундан ташқари, МЧЖ томонидан "Имомалиев" фермер хўжалигига 1 млн. 162 минг сўм, "Сотволди Нажмидинов" фермер хўжалигига 1 млн. 277 минг сўм, "Ғани Пўлат хож" фермер хўжалигига 2 млн. 643 минг сўм, жами 43 та фермер хўжалигига контрактация шартномасига асосан 24 млн. 275 минг сўм ҳақлари тўланмагани аниқланиб, вилоят прокуратураси орқали ҳужалик судига қарзларни ундириш ҳақида давво аризалари киритилди. Давво аризалари қаноатлантирилиб, фермер хўжалиklarнинг "Тошлоқ пилла" МЧЖдан ҳақлари тўлик ундириб берилди. Қонунбузилишига йўл қўйган МЧЖ раҳбарлари тегишли тартибда жавобгарликка тортилди.

Айни чоғда туманимиз деҳқонлари келгуси ҳосилга пухта замин хозирламоқдалар. Туман прокуратураси фермер хўжалиklarнинг муаммоларини қонуний ҳал этиб, юқори ҳосилга замин яратишларига амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Назорат тадбирлари давом этади

/Давоми.

Бошланиши 1-бетда/

Дехон ва фермер хўжаликлари ри-вожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялаш прокурорларнинг доимий эътиборида бўлиб келди. Бу жараёнда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чоралари кўрилди. Прокуратура органлари томонидан 86 та фермер хўжалигига рўйхатдан ўтиш ва банкда ҳисоб-рақами очилди, 15,9 млрд. сўм кредит, 613 млн. сўм иш хақи, 167 млн. сўм нақд пул олишда, уларга 166 млн. сўм кредитор қарзини тўлашда ва 3,1 млрд. сўм дебитор қарзларни ундиришда амалий ёрдам кўрсатилди ва уларга 1 954 гектар ер, 11 654 тонна минерал ўғит, 6 657 тонна нефть, 263 дона қишлоқ хўжалиги техникалари, 207,8 тонна чигит ва уруғлик бугдўй, 14 қўти ипақ қурти ва 383,3 тонна омухта ем маҳсулотларининг қонуний асосда ажратиб берилиши таъминланди.

Сув ресурслари, гидротехника ва мелiorация нишоотларидан фойдаланишда исрофгарчилик ва хўжасизлик ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чоралар кўрилатганига қарамастан, соҳада ҳамон суиестемолчиликларга йўл қўйиб келинаётганилиги, ажратилган бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфлангани ва талон-торож қилиниши ҳолатлари аниқланмоқда. Утган йилда ўтказилган текшириш ва мониторингларда Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғорилидиган ерларнинг мелiorация ҳолатини яхшилаш жамғармасидан ажратилган 674,2 млн. сўм мақсадсиз ишлатилганлиги ёки талон-торож қилинганлиги аниқланиб, шундан 616 млн. сўмининг ундирилиши таъминланди. Масалан, Норин-Сирдарё ИТХБ Наманган вилояти гидрогеология экспедицияси ва "Чустгидротэмаврикуриш" МЧЖ мансабдор шахсларига 2010 йил июль-август ойда

бажарилган ишларнинг далолатномасига 64 млн. сўмлик бажарилмаган ишларни қўшиб эътибор, жуда кўп миқдордаги бюджет маблағини талон-торож қилганлиги учун суднинг ҳукми билан жазо тайинланди.

Ёнилги-мойлаш маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги техникаларининг сақланиши ҳамда талон-торож қилинишининг олдини олишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган тадбирлар давомида 544 тонна ёнилги-мойлаш маҳсулотлари, 1,4 млрд. сўмлик қишлоқ хўжалиги техникалари ва эҳтиёт қисмлари талон-торож қилинганлиги аниқланди. Масалан, "Жиззахнефтбаза" унитар корхонасига қарашли Мирзаобод туманидаги 8-сонли ФЭТШ оператори Ш.Қўшбаков 29,3 млн. сўмлик, "Қаршинефтбаза" унитар корхонаси Ф.Хўжаев номи ФЭТШ катта оператори А.Бекмуродов 2,5 млн. сўмлик дизел ёнилгисини талон-торож қилишган. Ушбу ҳолатлар юзасидан А.Бекмуродовнинг жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинди, Ш.Қўшбаков эса тергов олдига жавоб бермоқда. Бундан ташқари, Кегайли туман ҳокими П.Иматов 2010 йил декабрь ойда "Кегайли МТП" МЧЖ балансидаги 52 млн. сўмлик асосий воситаларни талон-торож қилганлиги учун суд олдига жавоб бермоқда. Шунингдек, Асаку туманидаги "Шарқ ҳақиқати ММТП" МЧЖ мансабдор шахслари 24,9 млн. сўмлик, Чирочкў туманидаги "Муъжиза ММТП" МЧЖ раиси М.Умаров 16,4 млн. сўмлик техника ва эҳтиёт қисмларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлиги ҳолатлари юзасидан тергов олиб борилмоқда.

"Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимида ўтказилган текширишларда тизимда қатъий тартиб ўрнатилмаганлиги, аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаганлиги ва идоравий назоратнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги оқибатида ўтган йил ҳосилидан 31 нафар ман-

сабдор ва моддий жавобгар шахслар зиммасидаги 4,3 млрд. сўмлик пахта маҳсулотлари, шундан 2,2 млрд. сўмлик пахта хомашеси, 99 млн. сўмлик пахта толаси, 1,9 млрд. сўмлик чигит, 31,2 млн. сўмлик иккиламчи маҳсулотлар талон-торож қилинганлиги аниқланди. Белгиланган меъёрга нисбатан 4435 тонна пахта чигити ҳамда 597 тонна момиги кам олинган. Масалан, Самарқанд вилоят "Пахтасаноат" ХАБ ва унинг тизимидаги пахта тозалаш корхоналари моддий жавобгар ва мансабдор шахслари 136,2 млн. сўмлик пахта толасини олдиндан тўловсиз сотиб юбориб, 1,6 млрд. сўмлик техника чигит қамоматидаги йўл қўйилгани учун суд олдига жавоб бермоқдалар.

Шунингдек, Жалакудук туманидаги "Назарали хожи" фермер хўжалиги раҳбари Д.Маманазаров "Сўфиқишлоқ" акциядорлик жамияти товаршуноси А.Маматқулов ва бошқалар билан жиноий тил бириктириб, 10 тонна пахта хомашеси топширилганлиги ҳақида сохта қабул қилганлигини расмийлаштириб бериш эвазига 1 млн. сўмини пора тариқасида олгани учун тергов олдига жавоб бермоқда.

Ўтган йилда 137,6 тонна минерал ўғит, 36 812 тонна нефть маҳсулотлари ва 1,9 тонна чигитни республика ҳудудидан четга олиб чиқиб кетиш ҳолатлари аниқланиб, 386 нафар шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди, жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 22 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Жойларда кузги бошоқли дон экинларини екиш учун уруғликни тайёрлаш ва сақлашда жиддий қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилди. Хусусан, "Зарбдор элеватор" АЖ омбор мудир Ш.Махмудов фермер хўжаликлари учун ажратилган 11,5 млн. сўмлик 14 тонна уруғлик донни фуқаро Ш.Бобожоновга ноқонуний равишда сотаётганда ушланиб, тергов олди-

да жавоб бермоқда. Бундан ташқари, "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарда қўшиб-молчиликларга йўл қўйилганлиги оқибатида 1,5 млрд. сўмлик 4 514 тоннадан ортиқ бошоқли дон маҳсулотлари талон-торож қилинган. Катта миқдордаги талон-торожликларга асосан Андижон (1 923 тонна), Бухоро (1 426 тонна), Фарғона (514 тонна) ва Қашқадарё (643 тонна) вилоятларида йўл қўйилди.

Жумладан, "Қоракўлдон-маҳсулотлари" АЖ элеватор бошлиғи Х.Саътоқов 308,7 млн. сўмлик 1 286 тонна, "Андидондонмаҳсулотлари" акциядорлик жамиятига қарашли "Пахтаобод" дон қабул қилиш шохобчаси омбор мудир Б.Жўраев 560 млн. сўмлик 700 тонна бугдўйни ўзлаштирган. Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, суднинг ҳукми билан жазо тайинланди.

2012 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини екиш, навларни жойлаштиришда бир қатор қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги, 797 гектарга галла сифатсиз экилганлиги, 53 гектарда умуман галла экилмаганлиги аниқланди. Масалан, Мингбулоқ туманидаги "Вахобов Ўринбой" фермер хўжалигининг 14 гектар, "Мухаммад Умар Азизбек" фермер хўжалигининг 12, Чортоқ туманидаги "Шохсанам Элдорбек Гулсанам" фермер хўжалигининг 10, "Тожибой ота" фермер хўжалигининг 7 гектар галла майдонига ўғит солинмасдан бошоқли дон экилганлиги учун "Қишлоқхўжалигимиз" АЖ Мингбулоқ ва Чортоқ туман филиали мудирлари А.Бобожонов ва К.Мамуновлар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Қишлоқ хўжалигида иш хақи, кредит ва бошқа мақсадлар учун ажратилган 1,6 млрд. сўмлик маблағлар талон-торож қилинганлиги аниқланиб, прокуратура органларининг

Н.ЖАББОРОВ,

Бош прокуратура бўлим бошлиғи

аралашуви билан 1,5 млрд. сўмдан ортиқ зарарнинг айбдорлардан ундирилиши таъминланди. Масалан, АТ "Агробанк" Хўжайли филиали бошқарувчиси Т.Айманов "Феникс Бағум" фермер хўжалигининг 1,2 млн. сўм ва "Батур Аркадий" фермер хўжалигининг 766 минг сўм маблағларини талон-торож қилишгани учун суд олдига жавоб бермоқдалар.

Шунингдек, АТ "Агробанк" Андижон вилоят бошқармаси худудий филиали бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Ж.Хожиқабаров ва бошқалар фермер хўжаликлари тарқатиш учун келган 578 млн. сўмини вилоятдаги 33 та транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналарга транспорт харажатлари учун асоссиз равишда ўтказиб, талон-торож қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган 480 млн. сўмлик бюджет маблағлари мақсадсиз сарфланганлиги аниқланиб, прокуратура органларининг аралашуви билан 361 млн. сўмдан ортиқ зарар айбдорлардан ундириб олинди.

Чорвачиликка оид қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида 2 млрд. сўмлик 34 455 бош чорва моллари талон-торож қилинганлиги ҳолатлари бўйича 77 та жиноят ишлари қўзғатилди. Масалан, Чирочкў туманидаги Чиял қишлоқ хўжалик корхонаси бош қўлони Б.Давронов 82 млн. сўмлик 970 бош-майда шохли молларни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлиги учун тергов олдига жавоб бермоқда.

Прокуратура органлари томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийлики таъминлаш бўйича назорат тадбирлари давом эттирилмоқда.

Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш оила мустаҳкамлигини таъминловчи омилардан бири саналади. Хива туман прокуратураси томонидан бу соҳадаги қонунлар ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Туман ҳокимлиги, молия, меҳнат ва ижтимоий таъминот идоралари, ўзини ўзи бошқариш органлари, тижорат банклари ҳамда туман почта бўлимларида маълумотлар олиниб, таҳлил қилиб борилмоқда.

2011 йилда мазкур қонунчилик ижросига доир иккита текшириш ўтказилиб, аниқланган қонунбузилишлари юзасидан 28 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Жумладан, 9 та тақдиминоа киритилди, 7 нафар мансабдор шахс қонунбузилишларига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилди, прокурорнинг тақдиминоа ва қарорига асосан 10 нафар мансабдор шахс интизомий, 1 нафар шахс маъмурий, 1 нафар шахс моддий жавобгарликка тортилди. Давлат ва фуқароларга етказилган 2 млн. 554 минг сўмлик зарарлар ихтиёрий равишда қопланди.

Туман прокуратураси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг "Қам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги ҳамда "Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари ижроси бўйича қатор ишлар амалга оширилди.

Фаровон турмуш қафолати

2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши прокуратура илоралари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. «Мустаҳкам оила» деганла биз ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояланган, миллий аънава ва қадриятлар шаклланган, жисмонан ва маънаван баркамол фарзандлар тарбияланган оилани кўз оламинизга келтирамиз. Бундай олиб қараганда, мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонунлар, яратилаётган имтиёзлар аҳолининг турмуш маданиятини, фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Бизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатимиз, орзу-интилизларимиз ҳам оиламиз мустаҳкамлигини таъминлашга йўналтирилган.

Таъкидлаш жоизки, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида қабул қилинган ушбу қарорлар асосида кам таъминланган оилалар ўз иқтисодий имкониятларини кенгайтиришга, фарзандларини соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашга муваффақ бўлмоқдалар. Кенг жамоатчилик билан суҳбатларда юртдошларимиз қарорларнинг аҳамиятини эътироф қилиб, республика ҳукуматидан миннатдор эканликларини билдирмоқдалар. Бироқ беш қўл баробар эмас, деганларидек, орамизда имконият ва имтиёзларни суиестемол қилувчилар ҳам топилиб туради.

Белгиланган иш режа асосида тумандаги "Дашёқ", "Оқ-ёп", "Эски қиё" қишлоқ ҳамда "Янги ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғинларидан ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузарликларни бартараф қилиш чоралари кўрилди. Жумладан, "Дашёқ" қишлоқ фуқаролар йиғинида вояга ет-

маган 16 (18) ёшгача болалари бор оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги Низом талаблари бузилганлиги, яъни даромади белгиланган мезондан юқори бўлган фуқароларга нотўғри нафақа тайинланиб, тўланганлиги аниқланди. Дейлик, "Дашёқ" маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро С.Хусайновнинг 2010 йил 11 майдаги уч нафар вояга етмаган фарзандига нафақа сўраб ёзган аризаси қаноатлантирилди, 2010 йил июнь ойдан бошлаб С.Хусайновага нафақа тайинланган. Бу оиланинг даромади қайта ҳисоблаб қўрилганда, жон бошига даромад 56 минг 563,8 сўмдан тўғри келиб, шу давр учун маҳалла фуқаролар йиғини томонидан белгиланган мезон 51 минг 195 сўм бўлган. Қўриниб турибдики, С.Хусайновага 2010 йил июнь-ноябрь ойлари учун уч нафар фарзандига жами 358 минг 708 сўм нафақа нотўғри тайинланган. Шу маҳаллада истиқомат қилувчи фуқаро

Ҳурматбек ҚҮРБОНОВ,

Хива туман прокурори

М.Эшчановнинг уч нафар фарзандига нафақа сўраб ёзган аризаси ҳам қонунга хилоф равишда қаноатлантирилганлиги маълум бўлди. Бу оиланинг даромадини қайта ҳисоблаб қўрганимизда, жон бошига тўғри келадиган даромад 60 минг 365 сўмни ташкил қилди.

Ушбу қишлоқ фуқаролар йиғинида 2 ёшгача боласи бор бўлган оналарга нафақа тайинлашда "Ишламайдиган оналарга болани икки ёшга тўлгунга қадар парварши қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига ҳар доим ҳам риоя қилинмаганлиги маълум бўлди. Масалан, фуқаро Ш.Жуманиёзовнинг аризаси нотўғри қаноатлантирилганлиги аниқланди. Ўрганиш давомида оиланинг даромади қайта ҳисоблаб қўрилганда жон бошига даромад 61 минг 534,6 сўмдан тўғри келди. Белгиланган мезон эса 56 минг 497 сўм бўлган.

Ўрганиш жараёнида юқорида номлари келтирилган қишлоқ фуқаролар йиғинларидан нотўғри тайинланган нафақа пулларидан 1 486 722 сўми бюджетга қайтарилди. Масъул шахсларга нисбатан эса жазо чоралари қўлланилди.

Шарафли иш

Давоми. Бошланиши 1-бетда/

2011 йилда суд қарорлари-га протест келтириш самарадорлиги апелляция инстанциясида 87,8 фоизни, кассация инстанциясида 89,3 фоизни ҳамда назорат инстанциясида 62 фоизни ташкил этди.

Албатта, суд қарорларининг қонунийлигига баҳо беришида ҳолислик, адолатлилик ва асослилик муҳим ўрин тутди. Қонунга хилоф деб ҳисобланаётган суд қарорлари аввал атрофлича ўрганиб чиқилиб, асосли бўлсагина протестлар киритилмоқда. Ўтган 2011 йилда назорат тартибида протест келтириш юзасидан қўйи прокуратура органларидан 61 та тақдимнома келиб тушган бўлиб, улардан 36 таси қувватланган. Масалан, Қўқон шаҳрида ер масаласи юзасидан келиб чиққан низоли оилалик. Давога — Қўқон шаҳар "35-Азиз-тепа" МФЙ вакили М.Қамбаров 2007 йилнинг 16 мартда жавобгар М.Назаров, Қўқон шаҳар ҳокимлиги ва Қўқон шаҳар "Ермулкадастр" хизматига нисбатан судга даво ариза билан мурожаат қилиб, унда Қўқон шаҳри, "35-Азиз-тепа" маҳалласида жойлашган 1,5 га низоли боғ мукадда МФЙ ихтиёрига берилганлиги маълум қилиб, боққа МФЙнинг эғалик ҳуқуқини эътироф этиш, ҳоким қарори ва кадастр ҳужжатларини бекор қилиш ҳамда моддий зарарни ундиришни сўраган.

Мазкур иш бир неча марта судларда қўрилиб, даввогарнинг талабларини рад қилиш ва жавобгарнинг қарши даво восити қаноатлантириш ҳақида асосиз хулосага келинган. Бироқ, судлар томонидан жавобгар М.Назаров ҳоким қарориди белгиланган мажбуриятларни бажармасдан қўйимча қўрилишларни тегишли идо-

ралар рухсати ва келишувисиз амалга оширилганлиги, жавобгар томонидан қўрилмаган маъмурий бино, кутубхона, тикувчилик цехи, дастгоҳларни ўрнатил хонаси ва соғломлаштириш маркази жавобгарнинг фойдасига ҳал қилинганлиги ҳамда шу қарор асосида жавобгарга ер участкаси ва бино-иншоотларга нисбатан мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилганлиги ҳолатларига ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Шаҳар ҳокимининг 2001 йил 6 июлдаги 287-сонли қарори асосида мазкур ер майдони давлат захирасига олинганлиги боис, давлатга тегишли экинликка, жавобгар бу ер майдони ва бино-иншоотлардан фақатгина фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлганлигига ҳамда Қўқон шаҳар ҳокимининг 2002 йил 13 май кунги 185-сонли қарори низоли мулкларга нисбатан жавобгар М.Назаровнинг эғалик ҳуқуқини вужудга келтирмаслигига эътибор берилмасдан хулосага келинган.

Мазкур иш юзасидан Бош прокуратура томонидан Олий судга 2011 йилнинг 11 майда протест келтирилиб, даво талабларининг қаноатлантирилишига эришилди.

Этказилган зарарларни ундириш борасида прокурорлар томонидан судларга ўтган даврда 17103 та 46 млрд. 797 млн. 561 минг сўмлик даво аризалари кўзгатилади. Суд қарорлари асосида ҳисобот даврида 30 млн. 576 минг 807 сўм ёки 76,3(73) фоиз зарарларнинг ундирилиши таъминланди.

Бундан ташқари, бўлимда фуқароларнинг ариза ва шикоятларини қўриб чиқиш ва ҳал қилиш "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Бош прокурорнинг "Фуқаролар ва юридик шахсларнинг муро-

Ботир НОРОВ,
Бош прокуратура бўлим бошлиғи

жаатлари қўриб чиқишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида"ги 37-сонли буйруғи талаблари асосида ташкил қилинган бўлиб, бунда асосий эътибор мурожаатларнинг белгиланган муддатларда ҳал қилинишига қаратилмоқда. Шу давр мобайнида фуқаролардан жами 4062 та ариза ва шикоятлар келиб тушган. Мурожаатларнинг асосий қисми бўлимда ҳал қилиниб, қолганлари эса текшириш натижасига кўра қаноатлантирилди.

Агар ҳал этилган аризалар мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, улардан 104 тасини ишга тиклаш, 419 тасини уй-жой низоли, 31 тасини эса моддий ва маънавий зарарларни ундириш ва 3 та ҳолатда ер билан боғлиқ низоли масалалар ташкил қилди. Қўриб турганидек, уй-жой билан боғлиқ низоли буйича қабул қилинган суд қарорларидан нозори бўлиб ёзилган ариза ва шикоятлар бирмунча ортган.

Шунингдек, Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Фарғона, Хоразм, Навоий, Бухоро вилоятларида ариза ва шикоятлар сони кўпайганлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, бўлимнинг иш режасидан ташқари, фуқароларнинг аризалари асосида 268 та фуқаролик ишлари назорат тартибида ўрганилиб, суд қарорларининг қонунийлиги баҳо берилди.

Ўтган давр мобайнида фуқаролик ишлари буйича ўтказилган текширишлар натижасида 54 та ҳолатда жиноят ишлари кўзгатилинган.

Бундан ташқари, бўлимнинг иш режасига кўра, битимлар билан боғлиқ фуқаролик ишларининг судларда қўрилишида давлат божининг ундирилиши ўрганилиб, умумлаштирилди. Ушбу жараёнда судлар томонидан 151 та ҳолатда 228 млн. 701 минг сўм давлат божининг қам ундирилганлиги ва фуқаролардан 14 та ҳолатда 4 млн. 674 минг сўм ортқича ундирилгани аниқланди. Судлар томонидан қабул қилинган асосиз қарорларни қонунга мувофиқлаштириш учун Бош прокуратуранинг аралашуви билан прокуратура органлари томонидан жами 165 та протест келтирилди.

Шунингдек, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш билан боғлиқ фуқаролик ишлари буйича суд амалиёти ҳамда судларда бу тоифадаги ишлар қўрилишида прокурор иштирокнинг самарадорлиги ўрганилиб, умумлаштирилди. Бу билан боғлиқ ишлар юзасидан 22 та апелляция, 170 та кассация ва 19 та назорат тартибиди, жами 355 та протест келтирилиб, асосиз суд қарорларини қонунга мувофиқлаштириш чоралари қўрилди.

7 та ҳолатда мактаб ўқувчиларининг шахсига оид тегишли ҳужжатларнинг бўлмаганлиги ва ФХДЭ бўлимларида уларнинг туғилганлиги ҳақида даволатнома ёзувлари қайд этилмаганлиги аниқланиб, оталик ва оналик фактини белгилаш ҳақида аризалар кўзгатилиб, судда уларнинг манфаатларини кўзлаб қарорлар қабул қилинган.

Ҳаётда туғилиш, ўсиш, ривожланиш бор экан, уй-жой қурилишига бўлган талаб ва эҳтиёж сира камаймайди. Аммо бу соҳанинг ўзига яраша қийин томонлари бор. Қадимла ота-боболаримиз оилада ўғил фарзанда дунёга келиши билан тирак эканлар. Ўғил воёга етганда эса, уни уйлантириш таралдуида янги оила учун уй қурганлар.

Вақт кутиб турмайди

Ақбарали ЮСУПОВ,
Шаҳрисабз туман прокурори ўринбосари
Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Huquq»

Бугунги кунда мамлакатимизни кенг қурилишлар майдони десак, муболага бўлмайди. Давлатимиз томонидан бу соҳага жуда катта эътибор қаратилиб, қурилиш ишлари қўламини янада кенгайтириш, биноларга замонавий тус бериш ва аҳоли учун қулайликлар яратиш мақсадида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қишлоқ ахлининг бу борадаги мушқулини осон қилишга қаратилган ғоят муҳим дастуриламалдир.

Шаҳрисабз туман прокуратураси томонидан мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш буйича мунтазам равишда назорат ишлари олиб бориш йўлга қўйилган. Таскилдан ўринлики, 2011 йилда туманининг 5 та массивида "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси буюртмачилигида намунавий лойиҳалар асосида умумий қиймати 9882,2 млн. сўмлик, жами 120 та уй-жой қурилиши белгиланган эди. Шундан 50 таси "Шаматон" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли "Лолитон" қишлоғида, 20 та уй-жой биноси "Қўнчиқар" ҚФЙ "Янгиқишлоқ" қишлоғида, яна шунча уй "Ўзбекистон" ҚФЙнинг "Ўжзахурсон" қишлоғида, 18 та уй-жой биноси "Қорасув" қишлоғида ҳамда 12 та замонавий уй-жой биноси "Шакартери" ҚФЙга қарашли "Чоршанбе" массивида қурилиши қўзда тутилган.

Қурилиш ишларини олиб бориш буйича буюртмачи — "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси билан келишилган ҳолда 11 та пудрат ташкилоти таллаб олинди, ўзaro шартномалар тузилган ва айнан шу масала 2011 йил июль ойда ўрганилиб, қурилиш ишларида сустхалиқлар қайд этилган "Ягона инвест", "Сўғдиёна қурилиш-таъмир", "Файзиев Б" ҳамда "Бағратион қурилиш инвест" пудратчи ташкилотлари раҳбарлари қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида расман огоҳлантирилганлар.

Шунингдек, туман ҳокимлиги, "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси, пудрат ташкилотлари масъул шахслари иштирокида қурилиш-таъмирлаш ишларининг бориши билан бевосита жойида танишилиб, қарор ижросини таъминлаш буйича тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилган.

Бироқ, қўрилган ташкилоти ва амалий чораларга қарамайдан, бу соҳада сезиларли ўзгаришлар қилинмагани оқибатида туман ҳокимлиги ва қатор пудрат ташкилотларининг масъул мансабдор шахслари томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Республика Президентининг 2009 йил 3 августдаги 1167-сонли Қарори талаблари бузилган.

Жумладан, туман ҳокимлиги ҳамда иш бажараётган қурилиш корхоналари масъул мансабдор шахслари "Қишлоқ қурилиш инвест" ИШИК виллоят филиали билан тузилган намунавий уй-жойларни тайёр ҳолда топшириш ҳақидаги пудрат шартномаларини бажаришда мансаб ваколатларини суистемсиз қилиб, қурилиш вақтида бошлаш, зарур маблағларни ўзлаштириш, қурилиш-таъмирлаш материалларини мақсадли ишлатиш, иш ҳақларини тўлаш, уй-жойларни белгиланган муддатларда сифатли топшириш чораларини кўрмаганлар. Бунинг оқибатида "Сўғдиёна қурилиш-таъмир" кўп тармоқли махсус иختисослаштирилган қурилиш-таъмир масъулияти чекланган жамияти 428,8 млн., "Достон қурилиш инвест" МИКТ МЧЖ - 418,7 млн., "Ягона инвест" МИКТ МЧЖ — 264,6 млн., "Файзиев Б" ИЧФ — 251,5 млн. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини айни вақтга қадар якунамаган.

Шунингдек, "Сўғдиёна қурилиш-таъмир" МИКТ МЧЖ томонидан имтиёзли нархларда олинган 446 тонна цементдан 226 тоннаси, 31,65 тонна металлдан 17,95 тоннаси асосиз равишда ишлатилмаган бўлса, "Қишлоқ қурилиш инвест" иختисослаштирилган шўба инжиниринг компанияси томонидан ажратилган 174 млн. 40 минг сўм аванс маблағидан 142 506 сўми қайтарилмаган. Ёки "Достон қурилиш инвест" МИКТ МЧЖда 483 тонна цементдан 183 тоннаси, 31,65 тонна металлдан 10,85 тоннаси намунавий уй-жойларни қуришда ишлатилмаган, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИШИКнинг 174 025 минг сўм аванс маблағидан 83404 минг сўми қопланмаганлиги фикримизнинг далилидир.

Режалаштирилган 120 та уйнинг якуний ҳисоб-китоби учун талаб этилган 1429954 минг сўмлик маблағдан 509527,1 минг сўми ишлатилмаган, давлат ва жамият манфаатларига жиддий зиён етказилган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан туман ҳокимлиги масъул мансабдор шахслари ва бошқаларга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, уй-жой қурилиш борасидаги қонунбузарликларни бартараф этиш буйича кечиктириб бўлмайдиган зарур чора-тадбирлар белгиланган хусусида туман ҳокимлигига ахборотнома киритилди ва ушбу масалада прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

"Қолган ишга қор ёғар", дейди халқимиз. Шундай экан, ҳар бир ишни ўз вақтида бажариш, ўзибуларчиликка йўл қўймаслик зарур. Чунки вақт кутиб турмайди, қонун эса, қандай лавозимда бўлмасин, ўз касбига совуққонлик билан қараб, жиноятга йўл қўйганларни кечирмайди.

Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўқинчиликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютасига оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки «007» қисқа рақамига кўнгирок қилишингиз мумкин.

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371 232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК Департаменти	Код: 8371 233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374 224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365 223-74-79
5.	Ғиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372 226-09-62
6.	Қашқадарё вилоят прокуратураси	Код: 8375 221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361 222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436 225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369 226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366 235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367 223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376 223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371 271-12-26
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371 277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373 224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362 227-45-71

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва мурожаатларини қўриқиб навбатчилик асосида қабул қилиш буйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Маълумки, ёш авлод тарбияси учун туман таълим тизимида муносиб номзод раҳбар этиб тайинланади. Сурхондарё вилоят халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш Музработ туман бўлими муdiri Ёқуб Нормуродовга кўлхотинли бўлганлиги учун ЖКнинг 126-моддаси билан жиноий иш қўзғатилади. Бундан ташқари, унга ЖИБ Шеробод туман сулоининг 2011 йил 28 ноябрдаги ҳукми билан 2 йил муддатга муайян ҳўқуқдан маҳрум қилиш ва 3 йилга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. Аммо мудир Ё.Нормуродов ҳеч нима бўлмагандек ишлаб келмоқда. Модомики, юқориларга ҳолатлар рост экан, у мудир бўлиб яна қанча вақт ишлаши мумкин? Умуман олганда, кўлхотинли киши раҳбар бўлиши мумкинми?

Х.Холматов, М.Бегимов,
Музработ тумани

Агар айбдор бўлса...

Амалдаги ЖКнинг 9-моддасига мувофиқ, айб учун жавобгарлик принципи белгиланган бўлиб, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахсининг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Бинобарин, сиз тилга олаётган шахсининг устидан жиноят иши қўзғатилганлиги ҳолати юзасидан суднинг қонуний айблов ҳукми чиқмагунча қадар уни айбдор деб бўлмайди.

Суд ҳукми билан сиз тилга олгандек 2 йил муддатга муайян ҳўқуқдан маҳрум қилиш ва 3 йилга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган шахсининг ўз мансаб лавозимида ишлашнинг давом эттириб келаётганлиги эса, энг аввало, мазкур суд ҳукмининг ижроси билан боғлиқ ҳолатдир. Масалан, мазкур суд ҳукми устидан апелляция шикоятни берилган ёки апелляция протести билдирилган бўлса, ЖКнинг 497-6-моддаси талаби бўйича ҳўқм ижроси тўхтатиб турилади.

Агар бундай шикоят ёки протест берилмаган бўлса ёхуд шикоят бериш ва протест билдириш муддатга ўттиши билан ЖКнинг 528-моддасига мувофиқ, ҳўқм қучга қиради. Апелляция шикоятни берилган ёки протест билдирилган тақдирда ҳўқм, агар у бекор қилинмаган бўлса, ишни юқори суд кўриб чиққан кун қонуний қучга қиради.

Маҳўқмлар икки ва ундан ортиқ бўлган тақдирда, башарти шулардан лоақал бирига нисбатан ҳўқм устидан шикоят берилган ёки протест билдирилган бўлса, юқори суд ишни кўриб чиққунинга қадар маҳўқмларнинг ҳаммасига нисбатан ҳўқм қонуний қучга қирмай туради.

Ҳўқм қонуний қучга қирган ёки иш апелляция инстанцияси судидан қайтарилган қундан бошлаб уч қундан кечикмай, ҳўқм чиқарган суд томонидан ижро эттирилади.

ЖКнинг 531-моддасига кўра, ҳўқм, ажрим ва қарорни ижро эттириш уларни қабул қилган суд зиммасига юклатилади.

Ҳўқмни ижро этиш тўғрисидаги фармойиш судья ёки суд раиси томонидан ҳўқмни ижро этиш мажбурияти юклатилган органга ҳўқмнинг нуҳсаи билан биргаликда юборилади.

Суд қарорини ўз вақтида ёки тўла бажармаслик эса, қонунга мувофиқ тарзда жавобгарликка сабаб бўлади.

Бозор барибир бозор-да

Мен гоҳида сут ва қатиқ тайёрлаб бозорга олиб чиқаман. Бозорда бу маҳсулотларни сотиш учун, албатта, патта пули тўлайман. Шунинг учун одам кўпроқ савдо қилмаган жойда сотишга ҳаракат қиламан. Лекин паттачилар бундай сотишга руҳсат беришмайди.

Мен олиб сотар бўлмасам, ўз маҳсулотини истаган жойда сотишга ҳаққи эмасмани? Агар бозорга яхшилаб эътибор қилинмаган бўлса, сотиш мумкин эмас дейилаган нарсаларнинг ўзи кўп. Масалан, бозорда спиртли ичимлик сотиш мумкинми?

Назира Чориева, Янгийўл тумани

Мамакатимизда бозорлар ҳудудидаги барча ишлар бундай фаолиятни тартибга солуви мезёрлар асосида амалга оширилади. Бозор маъмурияти ходимларининг сиз истаган жойда савдо қилишингизга руҳсат бермасликлари ҳам ана шу билан боғлиқ. Хусусан, бу борада бутунги қунда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги 330-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида бозорларда савдо фаолиятини ташкил этиш Қондалари" талабларига амал қили-

нади. Унда айтилишича, сиз савдо қиладиган сут ва сут маҳсулотлари давлат санитария назорати талабларига мувофиқ маҳсулотни саклаш ва сотиш шартларини таъминловчи умумий равишда фойдаланиладиган ихтисослаштирилган турғун озик-овқат павильонларида амалга оширилиши белгиланган. Бундан ташқари, ушбу турдаги сотиш жойи қатъий белгиланган шу каби озик-овқат маҳсулотларига гўшт ва гўшт савдо маҳсулотлари, балиқ, уйда тайёрланган консерваланган маҳсу-

Қариндошлар

Никоҳга кирмоқчи бўлганда турмуш қураётган шахсларнинг қариндошлик даражасига эътибор қилинади.

Қариндошлик даражасини билишда нимага таянилади, озгаки тушунтиришгами ёки бошқа жиҳатларгами? Ёки қариндошликни белгилловчи қонун борми?

Шарофиддин Каюмов,
Жиззах тумани

Икки шахс ўртасидаги тўғри шажара бўйича қариндошликнинг яқинлиги қариндошлик даражаси, яъни туғилиш сони билан белгиланади, дейилади Оила кодексининг 57-моддасида.

Болалар ота-онасига нисбатан тўғри шажарадаги биринчи, неварра бобосига, бувисига нисбатан иккинчи, эвара катта бобосига, катта бувисига нисбатан — учинчи даражадаги қариндош ҳисобланади ва ҳоказо.

Ака-ука, опа-сингил, уларнинг болалари, ота-онанинг ака-ука ва опа-сингиллари ҳамда уларнинг болалари, бобо ва бувиларнинг ака-ука ҳамда опа-сингиллари ва уларнинг болалари ва шунга ўхшашлар ён шажара бўйича қариндошлар ҳисобланади ва ҳоказо.

Тўғри шажара бўйича қариндошлар ён шажара бўйича қариндошларга нисбатан яқинроқдир.

Икки шахс ўртасида қариндошликнинг узоқ-яқинлигини аниқлашда, даражаларнинг сони ёки шу шахслардан бирининг ўзини ҳисобга қўймай туриб, ундан келиб чиққан авлодлар сони ҳисобга олинади.

Ҳисоб ажудлар томон тўғри шажара бўйича улар учун умумий бўлган шахсга (ажудлар) қараб ва ундан эса, авлодлар томон — улардан бошқасига қараб олиб борилади.

Туғилган ака-ука ва опа-сингил қариндошликнинг иккинчи даражасида, тоғв ва амаки, амма ва хола ўз жиёлар билан қариндошликнинг учинчи, тоғавачча, амакивачча, аммавачча ва холаваччалар эса — тўртинчи даражасида турадилар.



Шартноманинг бекор қилингани тўғрими?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 март кунги 52-сонли қарори билан собиқ халқ таълими бўлимлари ўрнига янги тузилма — халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари ташкил этилади. Шу муносабат билан жойларда хошимларни ишга олиш ва ишдан бўшатиш билан боғлиқ ишлар амалга оширилади. Музработ туманида бундай бўлим мудир Ё.Нормуродов шунга қараб, ўзига ёқмаган 4 нафар хошимни ишдан бўшатиб юборди. Вилоят халқ таълими бошқармасининг 2011 йил 11 мартдаги буйруғининг 8-илвосида мазкур корхонада кўп йиллик иш стажига эга бўлган хошимларга афзаллик берилиши, халқ таълими бўлимлари тугатилмаганлиги, аксинча ўзгартирилганлиги, агар мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни, бундай иш бўлмаганда корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт деб кўрсатилган. Шунингдек, 100-молданинг 1-бандида хошимлар сони қисқарганлиги ва корхонанинг тугатилиши меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлиши кўрсатилган. Аммо биз ишлаб келган штат бирликлари қисқармаган ва корхона тугатилмади. Шундай экан, мудирнинг юқорилардаги буйруқ билан меҳнат шартномасини бекор қилгани тўғрими?

А.Холбоев, М.Мўминов, Д.Чўқаров,
Музработ тумани

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 мартдаги "Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини тақомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори 1-бандида халқ таълими туманлари (шаҳарлар) бўлимлари ҳамда улар ҳўзурида фаолият кўрсатувчи методик кабинетлар, таълим стандартлари мониторинги бўлимлари (шўбалари), ўқувчиларни касбга йўналтириш ва психологик-педагогик диагностика марказлари неғизида, улардаги мавжуд ходимлар сонини ўртача 5 фоизга қисқартирган ҳолда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилсин, дейилган.

Мазкур қарорда назарда тутилган тадбирлар ўз навбатида амалдаги Меҳнат кодексининг 100-моддаси 1-бандида қайд этилган технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ҳамда ишлар ҳажмининг ўзгаришига олиб келган. Бу эса, ўз навбатида меҳнат шартномасини иш беворчининг ташаббуси билан бекор қилишга асос бўлган.

МКнинг ушбу моддаси талабларини амалга оширишда афзаллик бериш масаласига келадиган бўлса, МК 103-моддасига кўра, технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдириш учун имтиёзли ҳўқм малакаси ва меҳнат унвондорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилади, дейилади.

Малакаси ва меҳнат унвондорлиги бир хил бўлган тақдирда қуйидагиларга афзаллик берилади:

1) қарамоғида икки ёки ундан ортиқ киши бўлган ходимларга;

2) оиласида ундан бўлак мустақил иш ҳақи оловчи бўлмаган шахсларга;

3) мазкур корхонада кўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимларга;

4) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус, касб-хўнар ўқув юртларида тегишли мутахассислик бўйича малакасини ошираётган ходимларга ва ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий ва ўрта махсус, касб-хўнар ўқув юртларини тамомлаган шахсларга ўқини тугатгандан сўнг мутахассислиги бўйича ишлаётган тақдирда икки йил мобайнида;

5) мазкур корхонада меҳнатда майиб бўлиб қолган ёки касб касаллигини ортиртган шахсларга;

6) уруш ногиронлари, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга;

7) атом объектидаги фалокатлар оқибатида келиб чиққан оширилган радиация нурулини билан боғлиқ нурулини касаллиги ва бошқа касалликларга йўлиққан ёки шундай касалликларни бошидан кечирган шахсларга; ногиронлиги атом объектидаги фалокатлар муносабати билан бошланганлиги аниқланган ногиронларга; ана шундай фалокатлар ва ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари қатнашчиларига, шунингдек, мазкур зоналардан эвакуация қилинган ёки кўчирилган шахсларга ҳамда уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга.

ҲўРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳўқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳўқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Нуқид» газетасининг «info@huqq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.

Саволларга ҳўқуқшунос
Дониёр ХАЛИЛОВ
жавоб берди.

Қонунийликни таъминлаш йўлида

Республикада мустақилликка эришгач, барча соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди. Буларнинг барчаси биринчи навбатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, бу борада амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Андижон вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ҳам юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, солиқ интизомини мустаҳкамлаш, солиқлар ва мажбурий тўловларни, давлатга етказилган зарарларни ундириш, солиқ тўлашдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган даромад олиш билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш, валютага оид жиноят ва қонунбузилиш ҳолатларига қарши курашиш борасида ўтган 2011 йилда муайян ишлар амалга оширилди.

Фаолиятимиз давомида профилактик тадбирларни ўтказиш, солиқ қонунчилигини тарғиб қилиш, солиқ тўловчилар орасида ҳуқуқий маданиятни ошириш, солиқ тўлашдан бўйин товланган учун жазонинг муқаррарлигини тушуниришга алоҳида эътибор қаратилиб, жами 4655 та ҳуқуқ-тарғибот тадбирлари ўтказилди.

2011 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши ва бу борада Давлат дастурининг қабул қилингани, шунингдек, Республика Бош прокуратурининг 2011 йил 9 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш тўғрисида" 87-сонли буйруғи асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳимоя қилиш борасида 1069 та тадбир ўтказилди. 107 та тадбиркорлик субъекти тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатилди ва бунинг натижасида 230 та қўшимча ишчи ўринлари яратилди. Шунингдек, банклардан 18 та тадбиркорлик субъектига 403,1 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари олинди ва амалий ёрдам кўрсатилди. Кўрилган чоралар натижасида бюджетга 42,37 млн. сўм миқдорда қўшимча маблағ ҳисобланиб, шундан 41,09 млн. сўмининг ундирилишига эришилди. Қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар 632,0 млн. сўмни ташкил этди.

Тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига тўққинлик қилиб, мансабини суистеъмол қилаётган мансабдор шахсларга ҳам қонуний чоралар қўриб борилмоқда. Хусусан, 17 та қонунбузилиш

ҳолатлари аниқланиб, жиноят ишлари кўзга тилиди. Жумладан, Департаментнинг Андижон вилоят бошқармаси ва МХХ Андижон вилоят бошқармаси ходимлари томонидан Андижон шаҳар "Мегацеф-плюс" МЧЖ директори ўринбосари Н.Нурматовнинг аризаси юзасидан ўтказилган тезкор тадбирда аниқланишича, "Дори воситалари экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази" Андижон вилояти бўлими директори Шухрат Қодиров МЧЖ директори ўринбосаридан 54 номдаги дори-дармон воситаларини тегишли лаборатория таҳлилидан ўтказиб, истеъмолга яроқлилиги юзасидан сертификатлар ёзиб бериш эвазига 500 минг сўм пул беришни талаб қилган. У шунча миқдордаги пулни ўзининг хизмат хонасида пора тарикасида олган вақтда ушланди.

Ўтказилган тезкор-таҳлилий тадбирлар натижасида солиқ, валюта ва иқтисодиётга оид 371 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 355 та жиноят иши кўзга тилиб, 16 та маъмурий ишлар юритилди. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар буйича бюджетга 3 млрд. 572,6 млн. сўм қўшимча солиқ ҳисобланиб, 21 млрд. 131,7 млн. сўм молиявий зарима қўлланилди ва шундан 5 млрд. 710,7 млн. сўмининг ундирилишига эришилди. Тадбирлар натижасида ҳуқуқбузарлардан ноқонуний муомалага киритилган 545,3 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар олинди.

Валюта қимматликларини ноқонуний муомалага киритишга қарши курашиш ва валютага оид қонунчиликка риоя қилиниши юзасидан ўтказилган тадбирлар натижасида 43 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 28 та жиноят иши ва 15 та маъмурий иш кўзга тилиди. Ҳуқуқбузарлардан 96643 АҚШ доллари, 74,3 млн. ўзбек сўми, 240910 Россия рубли, 280272 киргиз соми, 2700 қозоқ тенгеси ашёвий далил сифатида олиб кўйилди.

Шунингдек, бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан спирт, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини республика ҳудудида ноқонуний равишда олиб кириш, ишлаб чиқариш ҳамда сотишга қарши курашиш борасида 32 та қонунбузарлик ҳолатларига чек қўйилди. Жумладан, Департаментнинг Андижон вилояти Марҳамат туман бўлими томонидан туман ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир натижасида фуқаро А.Собировнинг ноқонуний равишда қайта тайёрлаб, сотиш мақсадида 712,5 литр спирт маҳсулотини уйда сақлаб келаётганлиги аниқланди. Мутахассисларнинг хулосасига кўра, ашёвий далил сифатида олинган спирт маҳсулотлари истеъмол учун яроқсиз экан. Ушбу ҳолат юзасидан А.Собировга нисбатан жиноят иши кўзга тилиди.

Ўтказилган тадбирлар самараси ўлароқ, ноқонуний фаолият юритаётган яширин ҳолат ҳам аниқланиб, барча

Эркинжон ХОЛМАТОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Андижон вилоят бошқармаси
бошлиғи

ҳолатлар буйича жиноят ишлари кўзга тилиди ва ҳуқуқбузарлардан жами 29,7 млн. сўмлик маҳсулотлар олиб кўйилди.

Департаментнинг Андижон туман бўлими ходимлари эса, хонадонда мейвовуз дастгоҳи ўрнатиб, электр энергиясига ноқонуний улангани ҳолда чигитдан қўлобла усулда ёғ ишлаб чиқараётган М.Маматовнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди. Тадбир якунида унинг хонадонидан 1788 кг. пахта чигити, 689 кг. ёғ, 2271,5 кг. кунжара, 1 дона мейвовуз дастгоҳи ва 115 кг. масхар уруғи ашёвий далил сифатида олинди. Мутахассислар хулосасига кўра, фуқаро М.Маматовдан ашёвий далил сифатида олинган ўсимлик ёғи инсон соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермас экан. Ушбу ҳолат буйича М.Маматовга нисбатан жиноят иши кўзга тилиди.

Коррупция ҳолатларини фош этиш борасида ҳам бошқарма томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Бу борадаги тадбирлар натижалари буйича 86 нафар шахсга нисбатан 73 та жиноят иши кўзга тилиди. Жумладан, Департаментнинг Андижон туман бўлими томонидан фуқаро Ю.Назировнинг аризаси юзасидан ўтказилган текширишда фуқаро Р.Қодиров ва "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Андижон минтақавий филиали мансабдор шахслари ўзроқ тил бирктириб, расмий ҳужжатларни сохталаштиригани аён бўлди. Улар фуқаролар Д.Назиров ва М.Ҳожибоевларнинг номига қорамол сотиб олиш учун 4 млн. сўм кредит маблағларини расмийлаштиришган. Олинган кредитни эса Т.Қодиров ўз эhtiёжи учун сарфлаб юборган. Ушбу ҳолат буйича ҳам жиноят иши кўзга тилиди.


Импорт товарларининг ноқонуний муомалага киритилишини аниқлаш юзасидан 17 та ҳуқуқбузарлик ҳолати фош этилди. Ҳуқуқбузарлардан жами 112,4 млн. сўмлик импорт товарлар ашёвий далил тарикасида олинди. Жумладан, Департаментнинг Избоскан туман бўлими томонидан ўтказилган тадбирда фуқаро Қ.Боймуродовнинг Қирғизистон Республикаси ҳудудидан божхона назоратини четлаб ўтиб, хоржида ишлаб чиқарилган 6,9 млн. сўмлик саноат ва ҳўжалик маҳсулотларини олиб келиб, уйда сақланаётганлиги фош этилди.

Бошқармаимиз ва унинг ҳудудий бўлимлари мамлакатимизнинг иқтисодий асосларига қарши қаратилган ҳар қандай кўринишдаги қонунбузарликларни аниқлаш, айбдор шахсларни фош этиш, уларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш ҳамда етказилган зарарни ундиришга қаратилган фаолиятини "Мустаҳкам оила йили"да ҳам изчиллик билан давом эттиришга бел боғлашган.

Мустақиллик ҳуқуқ ва эркинлик демократия. 1991 йилнинг 1 сентябри бизга ана шундай тенгсиз табарруқ неъматни инъом этди. Ана шу муҳим қалам билан дунё сиёсий харитасида Ўзбекистон деган янги, суверен давлат юзгага келган бўлса, 1992 йил 8 декабр кунини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши қонунчиликамга мустақиллик бўлди.

Фаровон ҳаёт кафолати

Оттабек БОБОДУСТОВ,
Бош прокуратуранинг
ОУК тингловчиси



Конституциямизда: "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади", дейилади.

Конституциянинг 13-моддасида баён этилган ушбу сўзлар мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари олий қадрият экани, у қонунлар билан ҳимоя қилинишини ифодалайди. Ўтган давр мобайнида Бош Қонунимизга таянган ҳолда қабул қилинган қонунлар ҳуқуқий-демократик, эркин фуқаролик жамияти қуришдек эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришга, халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилаётди.

Бугун мамлакатимизда инсон учун энг олий неъмат ҳисобланган тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда. Фуқароларнинг хотиржам меҳнат қилиши, ўқиши, даволаниши, ижтимоий муҳофазаси ва осуда ҳаёт кечирishiлари тўла таъминланган. Булар Конституциянинг "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари" деб номланган иккинчи бўлимидаги қонуний ҳуқуқлардир. Давлат ана шу ҳуқуқларни кафолатлашни ўз зиммасига олган.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларига, демократик ва ижтимоий адолат тамойилларига асосланган Конституциямизда халқимизнинг тарихий таърибаси, тинч-тотувлиги, авлодларимиз олдидagi масъулият, фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечирishiлари кафолати ўз ифодасини топган.

Буни таъминлаш ва амалга оширишда прокуратура органлари муҳим роль ўйнайди. Уларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинади. Ана шу қонунларга биноан прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири — бу инсон ва фуқароларнинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминловчи қонунларга бир хилда ва аниқ риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширишдан иборат. Прокурорлар томонидан қурилаётган ишларнинг ақсариятида айрим мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ўзлари қонунни яхши билмасликлари туйғайли бурчларини бажармаётганликлари, ҳуқуқларидан фойдалана олмаётганликлари маълум бўлмоқда.

Давлат ўз фуқароларига ҳуқуқ ва эркинликлар бериб, буларни кафолатлар экан, улар зиммасига ҳам маълум даражада масъулият юклайди. Унинг 48-моддасида "Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар", деб белгилаб қўйилган. Ана шу мажбурият ҳар бир фуқародан Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар, қарорлар ҳамда фармойишларни чуқур ўрганиб, уларга ҳурмат билан қараш, риоя қилиш вазифасини юклайди. Чунки давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир". Демак, унинг фуқаролари ҳам ҳуқуқий маданиятга, қонун билан қуролланган, қонун билан ҳимояланган бўлиши керак. Шундангина улар қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқларидан тўла фойдаланадилар ва фуқаролик бурчларини чуқур ҳис қиладилар. Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши ана шу улғу ишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Унга асосан, умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежларда, барча билим даргоҳларида Конституциянинг ўрганиши йўлга қўйилди ва бу ишлар қисқа давр ичида ўзининг ижобий самарасини бераётди. Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилаётган фуқаролар, тадбиркор ва ишбилармонлар ҳамда фермерлар сони кўпайгани улар ўз ҳуқуқларини чуқурроқ тушуниб етаётганлари исботидир. Булар катта ишларнинг бошланиши, ҳолос.

Президентимиз таъбири билан айтганда, "Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланганда у чинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади. Хар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, улардан фойдалана олиши, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олиши лозим".

Вояга етмаганлар жиноят ишларини юритиш

халқаро ҳужжатлар ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида акс эттирилиши

Сўнги йилларда бутун дунё мамлакатларида вояга етмаганлар жиноятлари билан боғлиқ ишларни юритиш уларнинг ёши ва психо-физиологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилаётганини кузатиш мумкин.

Нозим АСҚАРОВ,
тадқиқотчи

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар жиноятлари билан боғлиқ ишлар эса Жиноят-процессуал кодексининг 60-бобида белгиланган қоидалар асосида олиб борилади. Аммо бундай ҳолат умумий тартибда иш юритишдан жиҳдий фарқ қиладиган алоҳида иш юритувни аниқлашмайди. Бу вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кўшимча равишда ҳимоя қилиш билан боғлиқ қарорлар белгиланган умумий тартибда иш юритишдир. Бундай қарорлар балогат ёшига етмаганлиги учун жиноят процессида ҳуқуқ ва манфаатларини тўла ҳимоя қила олмайдиган шахсларга ёрдам бериш заруриятидан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритишга оид алоҳида қоидалар бўлишини халқаро ҳуқуқий талаблар тақозо этади. Олий Мажлис Парламенти томонидан ушбу бобдаги қоидалар умумэтироф этилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, яъни "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" (1948), "Бола ҳуқуқлари декларацияси" (1959), "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро пакт (1966), БМТнинг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенцияси (1989), "Озодликдан маҳрум қилинган вояга етмаганларнинг ҳимоясига оид" БМТ қоидалари (1990) талабларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилган.

Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритиш бўйича тавсиявий хусусиятга эга халқаро-ҳуқуқий нормалар мавжуд. Жумладан, улар 1985 йил 10 декабрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 40/33-резолюция билан қабул қилинган "Вояга етмаганлар жиноят ишларини юритиш бўйича минимал стандартлар"да ўз аксини топган (ушбу ҳужжатнинг якуний матни Пекинда бўлиб ўтган экспертлар кенгашида тасдиқлангани учун улар Пекин қоидалари деб ҳам юритилади).

Пекин қоидаларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Инсон ҳуқуқлари ва эркиндикларини ҳимоя

қилиш бўйича Европа конвенцияси) ушбу масалага доир умумий қоидалари акс эттирилган бўлиб, вояга етмаганлар жиноятларининг олдини олишда ёшларга муносиб турмуш шароитини яратиш ва уларнинг тарбиясида муҳим ўрин тутиши таъкидланган. Шунингдек, ушбу қоидаларда вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритиш ҳар бир давлатнинг миллий жиноят процессининг бир қисми бўлиб, унда барча вояга етмаганларнинг ижтимоий тенглигини таъминлаш, ёшларни ҳимоя қилиш ва жаҳиятда тартибни сақлаш вазифалари бирга қилинганлиги таъкидланган. Шунингдек, ушбу қоидаларда вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритиш ҳар бир давлатнинг миллий жиноят процессининг бир қисми бўлиб, унда барча вояга етмаганларнинг ижтимоий тенглигини таъминлаш, ёшларни ҳимоя қилиш ва жаҳиятда тартибни сақлаш вазифалари бирга қилинганлиги таъкидланган.

Бундан ташқари, ушбу қоидаларда вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишларини юритиш мақсади сифатида: вояга етмаганларнинг муносиб келажакни таъминлаш; таъсир чораларининг вояга етмаганларнинг шахсий хусусиятлари ва содир этилган қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасига мослиги; вояга етмаганларга нисбатан жазо чораларини қўллашнинг чеклиниши каби ҳолатлар кўрсатилган.

Жиноят ишларини юритиш вояга етмаганларнинг қонуний манфаатларига жавоб бериши ҳамда тез фурсатларда олиб борилиши, улар суд муҳокама-сида қатнашиб, ўз кўрсатмаларини очик баён қилиш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Бундай тоифадаги шахсларнинг жиноят ишларини қўришда махфийлик (ишни ёпиқ суд мажлисида қўрилиши) таъминланishi шарт. Зарурат бўлмаган ҳолда вояга етмаганларнинг жиноятлари оид маълумотлар ошкор қилиниши мумкин эмас. Пекин қоидаларида суд муҳокама-сида вояга етмаганларнинг ишлари бўйича махфийлик сақланиши қоида-си мажбурий универсал принцип сифатида жиноят процессининг вояга етмаганларга оид барча босқичларида жорий қилишга уринишлар мавжуд.

Шунингдек, мазкур қоидалар вояга етмаганларга нисбатан

жиноят ишларини судга қадар юритиш босқичларида тугатиш имкониятини кўзда тутади (унинг асосий шарти вояга етмаганнинг ихтиёрий розилигидир). Жиноят ишларини тугатиш масаласини ҳал қилишда вояга етмаганга нисбатан ҳеч қандай таъсирнинг бўлишига йўл қўйилмайди. Улим жазоси ва жисмоний азоб берадиган жазонинг қўлланиши тақиқланади. Озодликни чеклаш эса минимал даражага туширилиши керак. Озодликдан маҳрум қилишда вояга етмаганни бирор-бир муассасага жойлаштириш ҳар доим сўнги чора сифатида қўлланиши кераклиги таъкидланади.

Балогат ёши турли давлатларда турлича белгиланган. Вояга етмаганлик умумий тушуна сифатида қонун тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлиш билан боғлиқлиги ёшга етмаганликни назарда тутаяди. Пекин қоидалари вояга етмаган ҳуқуқбузар тушунчасини ҳуқуқбузарлик содир қилган бола сифатида қўрсатади. Шу билан бирга, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар жиний жавобгарликка тортишининг аниқ, универсал ёшини белгиланмайди, фақат минимал даражасини белгилувчи умумий қоидалар кўрсатилган. Шу сабабли жиноят ишларини юритишда вояга етмаганлик 7 ёшдан 18 ёшгача, айрим ҳолларда ундан ҳам юқори ёшга ўзича олади. Болгария, Венгрия, Германияда жиний жавобгарлик ёши 14 ёшдан; Греция ва Францияда 13 ёшдан, АКШда 10 дан 17 ёшгача (турли штатларнинг қонунчилигига кўра) вуқудга келади. Европа давлатларининг қўличилигида вояга етмаганлик 18 ёшдан, фақат Австрияда 19 ёшдан, Швейцарияда 20 ёшдан ҳисобланади.

Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексининг 547-моддасига биноан, жиноят қилгунга қадар ўн сақкиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари оид ишлар алоҳида иш юритиш тартибда қўрилади, жиний жавобгарлик ёши эса 13, 14, 16 ва 18 ёш қилиб белгиланган (ЖК 17-моддаси). Жиний жавобгарлик ёшининг бу тарзда белгилангани халқаро ҳужжатлар талабларига мос бўлиб, вояга етмаганларнинг содир этган қилмишларига нисбатан руҳий муносабати ҳамда қилмишининг ижтимоий хавфличилиги ҳисобга олинган.

Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, вояга етмаганларнинг жиноятлари доир ишлар-

ни юритиш қўидаги хусусиятларга эга:

1) Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг ўзига хослиги. Бундай турдаги ишларни юритишда дастлабки тергов ҳаракатлари ва суд муҳокама-си даврида умумий тартибда иш юритишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлардан ташқари қўидагилар ҳам исботланиши лозим:

— вояга етмаган айбланувчининг аниқ ёши (туғилган йили, оий, куни);

— вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва уни саломатлиги ҳолати;

— унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари;

— қатта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги.

Ушбу ҳолатларнинг белгиланиши Пекин қоидалари талабларига мос бўлиб, жиноятнинг аниқ сабабларини топиш, болага нисбатан ёш ва ақлий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таъсир чораларини қўллаш имконини беради.

2) Вояга етмаганларнинг жиноятлари оид ишларни юритишда қонуний вакиллар ва ҳимоячининг иштироки шартлиги. Ҳимоячи вояга етмаганга ҳуқуқий, қонуний вакиллар эса психологик ва руҳий ёрдам кўрсатишади.

3) Вояга етмаган айбланувчи (гумон қилинувчиси) сўроқ қилишнинг ўзига хослиги. Вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳимоячи иштирокчида сўроқ қилинади.

Сўроқ қилиш чоғида терговчининг руҳсати билан вояга етмаганнинг қонуний вакили, терговчи ёки прокурорнинг ихтиёрига кўра, педагог ёки психолог иштирок этиши мумкин. У терговчининг руҳсати билан айбланувчига саволлар беришга, сўроқ тугаганидан сўнг эса, сўроқ баённомаси билан танишиш, ундаги ёзувларнинг тўғриллиги ва мукамаллиги ҳақида ўз фикрларини ёзма равишда беришга ҳақлидир.

ЖПКнинг 553-моддасига мувофиқ, вояга етмаган гумон қилинувчини, айбланувчини сўроқ қилишга кетган умумий вақт, кун давомида дам олиш ва оватланиш учун бир соатлик танффунси ҳисобга олмаганда, олти соатдан ошмаслиги керак.

Фикримизча, ЖПКнинг 553-моддаси вояга етмаган гумон қилинувчини, айбланувчини сўроқ қилишга кетган умумий вақт, кун давомида дам олиш ва

овқатланиш учун бир соатлик танффунси ҳисобга олмаганда, тўрт соатдан ошмаслиги керак деб ўзгартрилиши лозим.

4) Вояга етмаганларга нисбатан эҳтиёт чораларини қўллашнинг ўзига хослиги. ЖПКнинг 236-моддасида назарда тутилган асослар бўлган тақдирда вояга етмаган айбланувчига ЖПКнинг 237-моддасида назарда тутилган эҳтиёт чораларидан бирини қўллаш мумкин. Вояга етмаган шахс ота-онасининг, ҳомийлар, ва-сийларнинг қаровига ёки ба-шарти у болалар муассасасида тарбияланаётган бўлса, шу муассаса раҳбарларининг қаровига ҳам берилиши мумкин. ЖПКнинг 556-моддасида вояга етмаган шахсни қаровига топшириш тартиби, 557-модда-да болалар муассасасига жойлаштириш тартиби, 558-модда-да вояга етмаган айбланувчини қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби белгиланган.

Мазкур қоидаларга кўра, вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишларини юритаётган шахслар махсус малакага эга бўлиши керак ҳамда бундай жиноят ишларини қўришга ихтисослаштирилган судлар тузилиши мақсадга мувофиқ-дир. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 556-моддасида вояга етмаган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг максимал мудда-ти қатъий белгиланмаслиги келгусида вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишларининг ўз вақтида, ортиқча сансалор-ликларсиз қўриб чиқилишига тўқинлик қилади.

Юқоридагилардан ҳулоса қилиб шуни келтириш жоизки, Ўзбекистон Республикаси на-фақат Марказий Осиё давлат-лари орасида, балки бутун дунёда ёшлар ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида етак-чи давлат сифатида эътироф этилган. Бу эса давлатимизнинг ёшларга бўлган эътибори қай даражада эканлигидан далолат беради. Шундай экан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфа-атларини қонунийлик ва умум-этироф этилган халқаро-ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар асосида мустаҳкам қилиб бел-гилаб бориш мамлакат келаж-ига бўлган ишончини янада оширади.

Инсон манфаати — олий қадрият

Мамлакатимиз истиқлолга эришган, ўз олдида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни мақсад қилиб қўйди. Ушбу олий мақсад Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддасида муқарра.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъбири билан айтганда, "Жиний-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни тақомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланади".

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг замирида инсон манфаатлари мўжассам. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 5 январда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинган ҳам шу ислохотларнинг довомирдир. Ушбу Қонунга

асосан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 325-моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Қонун қабул қилингунча қадар Жиноят кодексининг 118-моддаси 1-қисмида ва 119-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят иши айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб жабрланувчи берган шикоят асосидагина қўзғатилар эди.

Энди шу тартибда ҳал қилинадиган ишларнинг сони 9 тага ортди. Хусусан, Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисмида (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш), 109-моддасида (қасддан баданга енгил шикаст етказиш), 110-моддаси 1-қисмида (қийнаш), 111-моддасида (эҳтиётсизлик орасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш), 121-моддасининг 1-қисмида (аёлли жиний алоқа қилишга мажбур этиш), 136-моддасида (аёлли эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўқинлик қилиш), 139-модда-

Ш.МУСТАФАЕВ,
Бoш прокуратура бўлим бошлиғи ўринбосари

сининг 1 ва 2-қисмида (туҳмат), 140-моддасида (ҳақорат қилиш), 149-моддасида (муаллифлик ва иxtирочилик ҳуқуқларини бузиш) назарда тутилган жиноят иши айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб жабрланувчи берган шикоят асосидагина қўзғатилиши мумкинлиги белгиланган. ЖПКга киритилган мазкур қўшимча ва ўзгаришлар фуқаронинг шахсий ҳаётига асосиз аралашувдан уни ҳимоялайди.

Шунингдек, қонунчиликдаги бу янгилик тезкор-тергов идоралари ишининг янада соддалаштиришга, улар фoш этилмаган муҳим тоифадаги жиноятларни очишга вақтларини кўпроқ акратилишига имкон яратаяди, процессуал ққчим ҳаракатларининг қамайишига олиб келая-

ди. Шундай қилиб, жиноят процессуал қонунчилигида айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб жабрланувчининг берган шикояти асосидагина жиноят иши қўзғатилиши мумкин бўлган ишлар сони 11 тага етди.

Бу борадаги халқаро таърибга эътибор берсак, бундай қоидалар Россия Федерацияси, Корея, Германия, Хитой, АКШ, Белоруссия каби давлатларнинг қонунчилиги ҳам мавжуд.

ЖПКнинг 325-моддаси 2-қисмига ҳам ўзгариш киритилиб, жабрланувчи но-чор аҳволда бўлганлиги, айбланувчига қарам бўлганлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолларда прокурор шу 11 турдаги ҳолатлар бўйича жабрланувчининг шикоятисиз ҳам жиноят иши қўзғатиши мумкинлиги белгиланди.

Ҳулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар жиний-ҳуқуқий соҳани либераллаштириш борасидаги ислохотларнинг давоми бўлиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг қўрилишида ўзининг натижаларини беради.

Ота-ониси вафот этгач, Ирода кенжа акасининг кўлида қолди. Акаси кўнгли ўқиб сингисини ардоқлар, янғиси ҳам ўз қизини ақлагандек, унинг атрофида парвона бўларди. Ирода камчилик кўрмай, етимлигини сезмай вояга етди. Меҳнатсевар, одоли бўлиш билан бирга, ҳунарга эрта меҳр қўйиб, моҳир тикуччи бўлиб етишди.

Узилган ришта

Яхши қиз маҳалладан ортмайди, деганларидек, кўшнлар уни кўз остлариға олишган экан. Акаси ва янғиси бундан хурсанд эдилар, ҳар ҳолда яқинларида бўлишини ўйлаб, топарман-тутарман кўшни йигит Уткирга розилик беришди. Дангиллама тўй бўлди.

Эгу ниятлар билан келин бўлган Ирода турмушининг илк кунлариданок эрининг инжиқликларини рашқа йўйди. Уткир тўйдан кейин Иродани ишлаб юрган тикув цехига ақинлаштирмади. Эр қарорини қонун деб билган келинчақ эътироз билдирмади. Аммо, эрининг ҳукми кундан-кун зурайиб борар, ҳатто бир ойлик келин-қуввни Ироданинг опаси қақирганда ҳам боришмади.

Кизнинг қариндошлари бундай муносабатни эшитиб, хафа бўлишса-да, "эрининг раъйига қара", дея сингил-ларига тасалли беришди. Тез орада кетма-кет икки қиз фарзандли бўлишди. Аммо арзимаган нарсани баҳона қилиб хотинига дақиқ берадиган Уткир бора-бора сўқадиган, ҳатто урадиган ҳам бўлди. Жароҳат олиб шифохонага тушган кунлари ҳам бўлди, шўрликнинг. Аразлаб акасиникига кетиб қолганида эса, опа-акалар ўртага олиб, "рўзгорда бўлиб туради" дея панду насихат қилиб, ортига қайтарилди.

Ўгли тугилгач, Уткир бироз ювощ тортагандек бўлди. Дастурхон ёзиб, суннат тўйи қилди. Бирок, Ироданинг бу қувончи ҳам узоққа чўзилмади. Эри энди уни ўтирса ҳам, турса ҳам ҳақоратлаб, гурурини поймол қила бошлади. Охири эр-хотиннинг ётоқлари ҳам бўлак бўлди. Қайнотаси вафот этгач, қайнонаси ҳам ўлга қўшилиб, Иродага зарда қиладиган бўлиб қолди. Озиқ-овқат маҳсулотларини қулфлаб қўйиб, шу йўл билан Иродани жазоламоқчи бўлишарди.

Ирода мурасанинг йўлини тополмай жони ҳалак, эри бир неча бор уриб, тишларини синдирса-да, ҳатто маҳаллага чиқиб арз қилишни ҳам ўзига ор қилди. Устига-устак эр хотинини на қариндошлари ва на қўшнилариникига қачқирмас, Ирода гўё уй қамоғида

Анвар КОЗИМОВ,
Бosh прокуратура бўлим прокурори
Меҳринисо ХУСАИНОВА,
журналист

эди. Ахйри, жабру ситамлар жонидан эридан касалхонада даволанаётган қайнонаси учун нима пишириб беришни сўраган эди, эр одатдагидек сўқиб берди. Бу билан Ироданинг ҳам сабр қоса-си тўлди ва у қўлга арқон олди. Ҳаммомга кириб сиртмоқ тортиди...

Ўша кун кун ёйилса-да, чўзилиб ётган эридан касалхонада даволанаётган қайнонаси учун нима пишириб беришни сўраган эди, эр одатдагидек сўқиб берди. Бу билан Ироданинг ҳам сабр қоса-си тўлди ва у қўлга арқон олди. Ҳаммомга кириб сиртмоқ тортиди...

Оила — муқаддас даргоҳ. Никоҳ умр савдосидир. Инсон ўз авлодини давом эттириш, яшаш, ҳаёт мазмунини ағлаш, бахт нашидасини туйиш, яхши-ёмон кунларда елкадоши бўлиши учун жуфт танлайди, ундан фарзанд ортиради. Ироданинг ҳам бошқалар сингари яшашга ҳаққи бор эди. Аммо муҳаббатга ташна бу аёл жуфти ҳалолнинг зуғумларига дош бераолмади.

Қўлмишдан пушаймон Уткир виждон азобиди қолди. Ўйлаб ўйига етолмайди, ҳусну малохотли, қаҳқон, саришта хотинига нисбатан нега бундай муносабатда бўлди? Афсуски, энди у йўқ, фарзандлари нигоҳида эса ўзига нисбатан нафрат сезаётгандек бўлади...

Уткир Алавов ўзига моддий жиҳатдан қарам бўлган шахсга раҳмсиз муомала қилиш, унинг шаъни ва қадр-қиммати-ни муттасил равишда камситиши натижасида ўзини ўзи ўлдириб даражасига етказиш жиноятини содир қилганликда айбаниб, суд ҳукми билан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Оилани ардоқлаш азалий меросимиз. 2012 йил Давлатимиз раҳбари томонидан бежиз "Мустаҳкам оила йили", деб номланмади. Бу юртимизда оила ҳаммиша қадрланишидан далолатдир. Шоядқи, оилаларимиз янада мустаҳкам бўлса, фаровон ва бахтли хонадонларимиз кўпайиб, меҳр-оқибат ришталари узилмаса...

Бевақт кетган жонлар

Ўша кун Ишимжон уй ишлари билан андармон бўлар экан, тушлик пайти яқинлашганда ўртоқлари келиб қолди.

— Янги машина олдим, хабаринг борми? — дея гап бошлади Шўхрат улар салом-алик қилишгач. — Шунини "ювмоқчиман". Жўралар билан сени олиб кетишга келдим.

— Эй, табриклайман дўстим. Сен машинани "ювасан-у", мен бормайманми?

Кўп ўтмай улар Шўхратнинг уйига кириб боришди. Овқатланиш баробарида пиво ҳам ичишди. Аммо ўтириш кўнглидагидек бўлмади чоғи, бу ердан чиқиб, зифатлари Уйшун қишлоғидаги ошондада давом эттиришди. Пиводан симириб, тансиқ таомларга ҳам тўйиб олишгач, каналга бориб, чўмилишди.

Орта қайтишар экан, қишлоқ дўконининг ёнида тўхташди. Шўхрат уйига кетди, қолганлар дўкондан пиво олиб, шу ерда ича бошлашди. Шу пайт уларнинг олдида сомон ортилган трактор ўтиб қолди-ю, нарироқ бориб тўхтади.

— Хой йигит, сомон неча пул? — деди Азимжон трактордан тушиб келаятган йигитга.

— Бир тележаси 70 минг сўм.

— 60 мингга бер, уч тележа оламан.

— Йўқ, ака, тўри келмайди.

Улар савдолаша бошлашди. Азимжоннинг қайфи бор эмасми, сал ўтмай дўк уришга ўтди. Шунинг устига ўли Жамил билан келиб қолган ҳамқишлоқлари Норпўлат ака уларнинг тортишиб турганлигини кўриб, ўртага тушди:

— Сен бола нима учун тракторчининг бошини қотираяпсан? У мени хияним бўлади.

Энди улар жанжаллашиб қолди. Ҳамқишлоғининг жаҳл устидаги бир гапи Азимжонга ёмон ботди. Шундай бўлса-да, алами ичиди, қочиб кетди. У шу кетишда Норпўлат акадан қандай қилиб ўч олишни режалаштирганча, амакисининг уйига йўл олди. Амакисини Санжар уйда экан, унга бўлиб ўтган воқеани айтиб берди-да:

— Юр тезроқ, мен Норпўлат ака билан, сен ўгли билан яккама-якка уришамиз, — дея уни ўзи билан олиб кетди.

Йўл-йўлаккай уйига кириб, ёғоч дастали пичоқни олиб чиқди. Ўглининг

Хуришд СУБХОҚКУЛОВ,
Каттақўрғон туман прокурори

важҳатини кўрган онаси: "Қаерга кетяпсан, қайт орқангга!", деганча, бақириб қолаверди. Азимжон унинг гапига қулоқ солмагач, кичик ўгли Аъзамга юзланди:

— Акангнинг авзойи бузук, ортидан бориб, қайтариб кел.

Аъзам акасининг орқасидан югуриб кетаётганида, унга икки қариндоши ҳам қўшилди. Бирок, улар асабийлашган йигитни йўлдан қайтара олишмади. Азимжон Норпўлат аканинг уйига етиб келганида дарвоза очиб бўлиб, уй эгаси сўрида икки таниши билан қўй ичиб ўтирган экан.

— Келинлар йигитлар, келинлар, — деди у очик чехра билан.

Аммо Азимжон яхши ниятда келмаганди. У ҳамқишлоғининг ёқасидан олиб, ура кетди. Зумда мушлатув бошлиғи, қорнида кучли оғриқ сезган Норпўлат ака бақириб юборди. Азимжон унга пичоқ санчиб олган эди.

Кўчадан ўтиб кетаётган Норпўлат аканинг жияни Насимжон тўполонни эшитиб қолди-ю, у ҳам ичкарига кириб, уларни ажратмоқчи бўлди. У Азимжоннинг орқасидан келиб, ўзига тортаган ҳам эди, ўнг бикини ва қорнига пичоқ санчибди. Насимжон қочишга уриниб, ортига қайтаётганида Санжар етиб келиб, тепкилай бошлади...

Зуравонлар қилгиликни қилиб қўйиб, воқеа жойидан қочиб кетишди. Жабрланганларни эса яқинлари шифохонага олиб боришди. Шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари ердан бермай, Норпўлат ака ўша кун кечаси оламдан ўтди. Тўрт кундан сўнг Насимжон ҳам шифохонада жон берди.

Жиноят жазоси қолмагани каби Азимжон Муродуллоев 22 йилга, унинг шериги Санжар Абдуқодиров 19 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Арзимас жанжалдан келиб чиққан фожа ана шундай яқун топди.

Сулманувчи Ғолиб Ишонқулов суд мажлисида айбига иқроор бўлиб, қуйидагича кўрсатма берди: "2011 йил 6 февраль кун кундуз соат 16:00ларда Косон тумани деҳқон бозори оламага ошонга кириб, ароқ ичдим. Кайфим ошиб қолди. Шунда Косон шаҳридаги "Муғжагул" маҳалласида яшовчи божам Бахтиёр Ғаниев ёнимга тушди. Унинг уйига бордим. Божамнинг ошонасида китоб ўқиб ўтирганлигини кўриб, оламага бордим ва менга ароқ олиб беринг, делдим".

Божалар можароси



Одатда божалар бир-бирлари билан жуда қалин бўлишади. Уларнинг турмуш ўртоқлари эса опа-сингил бўлганлари сабабли, ўзаро меҳр-оқибатни тарқ этмайдилар. Божалар борди-келди қилганликларидан опа-сингиллари ҳаммиша мамнун.

Аммо бу сафар божасининг афт-ангорини кўриб, Бахтиёр Ғаниевнинг энсаси қўтди. Ғолиб ароқ олиб беришни талаб қилар экан, унга бундай ҳолатда яна ичириш яхши оқибатга олиб бормаслиги аён эди. Шу сабабли бўлса керак, Бахтиёр ҳозир пули йўқлиги, пластик картоққасини эса хотини олиб бозорга кетганлигини айтди-ю, балога қолди.

Ғолибнинг оғзидан "боди кириб, шоди чиққанча", божасини ҳақорат қилишга ўтди.

Улар жанжаллашиб, ҳрвлига чиқди. Бир маҳал Ғолиб мушти билан божасининг тўғри келган жойига тушира кетди. Бахтиёр қочиб, айвонда сўри устига чиқди. Аммо тақибни давом эттирган Ғолиб, бостириб борди ва уни итариб юборди. Йиқилиб тушган Бахтиёрнинг оёғи қаттиқ шикастланди.

Можаро шун нуктага келганда, Бахтиёрнинг қайнукаси Сирож ховлига кириб келиб, аҳволни кўрди ва Ғолибни кўча томон етказиб кетди.

Чап оёғининг товоғи синган Бахтиёр бўлган воқеани ёзма равишда туман ИИБ ходимла-

рига баён қилди. Унга айниқса, божасининг "Сен фирибгарсан", дегани қаттиқ алам қилган эди.

Ғолиб эртаси кун яна аввалги жойи — Косон деҳқон бозори ёнида пайдо бўлди. Бу ерда бир неча танишларини кўриб қолиб, улар билан чойхонага кирди. Яна ароқ ичди. Соат тўртлар чамаси бу ердан чиқиб, бозор ёнидаги четроқ бир бурчакка ўтди. Чўнтагидан марихуана тўлдирилган гугурт қутисини олди-да, сигаретнинг ичидидаги марихуанасини тўқиб ташлаб, унга наша жойлаштирди ва чека бошлади.

Инсон организмни қанчалик мукаммал бўлмасин, унинг заиф томонлари ҳам кўп: биров сигарет чекиши, яна биров ароқ ичиш, бошқаси эса норга ружу қўяди. Буларнинг барчаси ёмон одатлар бўлиб, улардан энг ёмони эса, гиёҳвандликдир. Аср вабоси, деб ном олган гиёҳвандлик бутун дунё жамоатчилигини, барча давлатларни ташвишга сола-

Санжар ОМОНТУРДИЕВ,
Муборак туман прокурори
ўринбосари

ётган ўта зарарли иллат ҳисобланиб, унинг домига тушган киши одамгарчиликдан чиқадиган ва жиноят кўчасига қиради.

Ғолиб Ишонқулов ҳам гиёҳвандлик дардига мубтало бўлганди. Айниқса, "юз грамм"ни уриб олгандан кейин нашининг хумори янада кучаярди. У чойхонадан чиққанда, титраб турган бармоқлари билан нашани сигаретга жойларкан, фуқаролик либосидаги ИИБ ходимлари уни кузатиб туришган эди. Ғолиб ашёвий далил билан ушланди. Ходимлар хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, ўзларини таништиришди ва уни бўлимга олиб боришди. У ерда ҳолислар иштирокида эғнидаги қора кўртқаси чўнтақларини кавлаб, гугурт қутисига жойланган марихуанани стол устига қўйди. Гиёҳвандлик моддаси тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олинди.

Судда қилган ишига пушаймонлик билдирган Ғолиб, айбини тан олди. Оиласини ўзидан бўлак боқувчиси йўқлигини айтиб, қамоқдан бошқа

жазо беришларини сўради.

Божасининг бадахлоқлиги, ичкилик ва наشاءандликка берилганидан жабр кўрган Б.Ғаниев суддаги кўрсатувидида бўлиб ўтган воқеаларни баён этаркан, божасига нисбатан қонуний ҳақо берилишини сўради.

Бунга у қақли эди. Чунки туман суд тиббий экспертизасининг 2011 йил 8 февралдаги ҳулосасига кўра, чап оёғининг товоғи суяғи ёпиқ синиш кўринишида жароҳат олиши, оғирлик даражаси бўйича жароҳатланувчи соғлиғининг узоқ муддатга, яъни йигирма бир кундан ортиқ ёмонлашувиға олиб келган ўртача оғир шикаст гуруҳига кириши кўрсатилган эди.

Шунингдек, суд кимёвий экспертизаси "Victory" ёзувли гугурт қутиси ичидида яшил рангли, майданланган ўсимлик марихуана эканлиги, унинг соф оғирлиги 1,7 граммлигини аниқлаб берган бўлса, наркология экспертизаси Ф.Ишонқуловни наркоманга хасталиғига чалинганлигини исботлади ва унинг мажбурий даволанишга муҳтож эканлигини баён қилди.

Шундай қилиб, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик оқибатида келиб чиққан божалар можароси улардан бирининг оғир шикастланиши, иккинчисининг эса 2 йил 6 ой муддатга ахлоқ тазатиш жазосининг олиши билан яқун топди.

Ўзбекистон ёшлар мамлакати. Бугунги кунда бу фикр тез-тез тилга олинаётгани бежизга эмас. Чунки айни пайтда республикада аҳолисининг 64 фоизини ўттиз ёшгача бўлган ёш авлод ташкил этади. Шу боис баркамол авлод тарбияси — вояга етмаганлар ва ёшларимизнинг қомил инсонлар бўлиб етишишлари учун барча имкониятларни ишга солиш давлат ва жамиятнинг устувор мақсадига айланган.

Юртимизда ёш авлод учун яратилган ва яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида батафсил тўхтамлоқчи эмасмиз. Зеро, ҳар биримиз бу борада амалга оширилаётган улкан ишларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Мамлакатимизда баркамол авлод тарбияси йўлида амалга оширилаётган ишларни хорижлик мутахассислар ҳам эътироф этиб келмоқда. Республикада юртилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг самараси сифатида ўзларининг етук сиёсий ва ҳуқуқий онги, тафаккури, билими ва малакаси билан мамлакат ижтимоий ҳаётида, юртимизда кечаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этаётган авлод камол топди. Аммо ўткинчи ҳою ҳавасларни деб ёшларнинг бебаҳо донларини елга соураётганлар ҳам борки, бунга фақатгина афсусланишнинг ўзи kifoya қилмайди.

Мисол тариқасида, 2011 йилнинг февралда Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судида қўриб чиқилган икки жиноят ишига эътиборингизни тортмоқчимиз.

1983 йилда туғилган Фахриддин Худайбердиев, 1983 йилда туғилган Носиржон Мусаев, 1991 йилда туғилган Отабек Раҳимов, 1986 йилда туғилган Абдурахим Абдусаматовлар, айтиб ўтилганидек, эндигина муस्ताқил ҳаёт-

Эссиз, ёшлик...

га қадам қўйган йигитлар. Жиноят қўчасини танлаган бу йигитлар Н.Мусаев бошчилигида босқинчилик жиноятини содир этишган. Бунинг учун улар ўзaro вазифаларни тақсимлаб олиб, режа асосида иш олиб боришган. Яъни О.Раҳимов ва А.Абдусаматовлар олдиндан белгилаб олинган хонадонни кузатиб, маълумот тўплашлари, Ф.Худайбердиев эса ўзини хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати ходими сифатида таништириб, хонадонга кириши, босқинчилик йўли билан хонадондан пул ва бошқа моддий бойликларни олиб чиқиши, ўз навбатида жинойий йўл билан қўлга киритилган бу моддий бойликлар Н.Мусаев томонидан гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимланишига келишиб олишган.

Хонадон эгаси Собит ака эрталаб ишга кетгани, уйда фақат уй бекаси вояга етмаган фарзандлари билан қолгани ҳақида О.Раҳимов ва А.Абдусаматовларнинг етказган маълумотларига асосланиб Ф.Худайбердиев режани амалга оширишга киришди. У ўзини хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати ходими (сантехник) дея таништиради ва кўп қаватли уйнинг қуйи қаватларига сув оқаётгани ҳақидаги ёлгон билан хонадон соҳибасини алдаб, уй ичига қиради. Кейин уй бекасини ўлдириш билан кўрқитиб, пул ва тилла буюмларни беришни талаб қила бошлайди. Аёл ва унинг норасида фарзандининг қўлларини боғлаб, қўшниларни ёрдамга чақирмаслиги учун озгини скотч билан беркитиб қўяди. Аммо жинойий мақсадига тўлиқ эриша олмайди. Хонадон бекаси имкон то-

пиб, уйдан қочиб чиқади ва қўшниларни ёрдамга чақира бошлайди. Бундай бўлишни кутмаган босқинчи дераза орқали қочмоқчи бўлади, лекин учинчи қаватдан йиқилиб, хушини йўқотади. Хушёр қўшнилар босқинчи йигитни тезда тутиб олишади. Ф.Худайбердиев хушига келганида ўзини милиция қўлида кўради. Қисқа муддат давомида унинг жинойий шериклари ҳам қўлга олинади. Суд ҳукми билан жиноятчи йигитларнинг ҳар бири қилмишига яраша қонуний жазосини олишиди.

Иккинчи ҳолатда жиноятга қўл урганлар эндигина балоғат остонасига қадам қўйган 16-19 ёшли йигитчалардир. 1994 йилда туғилган Мохиржон Ёқубов, 1992 йилда туғилган Азизхон Муродхонов, 1992 йилда туғилган Олимхон Афзалов ўзaro жинойий тил бириктиришиб, ўғирлик ва босқинчилик жиноятлари содир этиб келишган. М.Ёқубов ва А.Муродхоновлар Учтепа тумани Улуғбек кўчасида жойлашган хонадонлардан бирига кетма-кет уч маротаба яширин равишда кириб, хонадон эгасининг кўп миқдордаги пул ва бошқа моддий бойликларини ўғирлаб кетишган. Афсуски, хонадон эгасининг эътиборсизлиги сабаб уларнинг бу жиноятлари бир муддат фош этилмай қолган. Жиноятларининг жазосиз қолгани "ўригина болалар"ни бошқа жиноятларга ундаган. Улар шу кўчада жойлашган яна бир хонадонга ўғирликка тушишиб, жами 5 млн. 670

минг сўмлик пул, тилла тақинчоқлар ва бошқа моддий бойликларни олиб чиқиб кетишган.

М.Ёқубов ва А.Муродхоновлар кейинги жиноятига О.Афзаловни ҳам шерик қилишган. Улар бу сафар шунчаки ўғирликка эмас, босқинчилик жиноятига қўл уришган. Пневматик тўпдонча билан қуролланган М.Ёқубов ва А.Муродхонов туманининг Обид Жалилов кўчасидаги хонадонлардан бирига яширинча киришар экан, О.Афзаловни кўчада пойлоқчилик қилиш учун қолдиришган. Бу сафар улар хонадондаги моддий бойликларни олиб чиқиб кетишга улгуришмаган. Кўчада пойлоқчилик қилиб турган О.Афзалов хонадон эгаси келиб қолгани ҳақида уларга телефон орқали хабар берганида деразадан қочиб чиқаётган А.Муродхоновни уй эгаси ушлаб олган. Шунда М.Ёқубов ўзидаги пневматик тўпдонча билан уй эгасига ўқ узиб, унга тан жароҳати етказган. Ёрдамга етиб келган қўшнилардан бирини ҳам қўлидаги қурол билан яралаган М.Ёқубов барибир қочиб кетолмаган: шу атрофда бўлган хушёр фуқаролар уларни тутиб, ҳуқуқ-тартибот органига топширишган.

Ачинарли жиҳати, уларнинг учови ҳам, М.Ёқубов ва О.Афзаловлар қолмаган, А.Муродхонов ўрта мактаб ўқувчиси бўлишган. Уларнинг ҳар бири суднинг ҳукми билан тегишли жазосини олишди. Улар жазодан тегишли хулоса чиқаришда ва қайтиб жиноят қўчасига йўламайдилар деб умид қиламиз.

Сўзимиз бошида ёшларга яратиб берилаётган имкониятлар ҳақида сўз юритган эдик. Улар ҳам бошқа тенгдошлари қаторида ана шу имконият ва шароитлардан унумли фойдаланишлари, жамиятда ўз ўрнинларни топишлари, эл-юртга наф келтирадиган инсонлар бўлиб етишишлари мумкин эди, албатта. Аммо начора. Эссиз, ёшлик...

Нонкўрлик

Яқин дўстидан айрилмиш Лешага жуذا қаттиқ таъсир қилди. Айниқса, бу ҳолатнинг кўз ўнгига рўй бериши...

Ўша кунни уйда ўтириб, қиттак-қиттак қилган икки оғайнининг хаёлига қаёқдан чўмилиш фикри келиб қолди, ҳозир эсида йўқ. "Кетдикми-кетдик", дея Лешанинг укаси ва ўғиллари билан Ангрэн дарёси томон йўл олишди. Кетма-кет сувга шўнғишди. Анчагача қий-чув қилиб, чўмилишди. Қим ўзарга ўйнашди. Бир маҳал Павел сувга шўнғиди-ю, қайтиб чиқмади. Леша аввалига уни ҳазиллашаётгиди, деб ўйлади. Бирок, орадан 5-6 дақиқа вақт ўтди ҳамки, ундан дарак бўлмади. Укаси билан сувга шўнғишди. Йўқ. Миясига келган ўйдан даҳшатга тушиб, кайфи зумда тарқаб кетди. "Агар... агар унга бир нарса бўлган бўлса, онасига нима дейман? Кампирнинг ундан бошқа ҳеч кими йўқ-ку!.."

Афсуски, кўп ўтмай Павелнинг ҳақиқатан ҳам чўкиб кетгани маълум бўлди. Шундан кейин Леша ҳоҳида унинг уйига келиб, онасидан хабар оладиган бўлди. Навбатдаги ташрифи чоғида икки ҳафтага хизмат сафарига жўнаб кетаётгани, ундан хавотир олмастлигини айтиб, жўнаб кетди. Ишларини бажариб, уйига қайтиб келгандан кейин, одайти бўйича кампирдан хабар олишга ошиқди.

Ҳовлига кириб, чақириб кўрди, жавоб бўлмади. Яна чақирди, ҳеч ким йўқ. Бироз кутиб тургач, қўшнингнинг эшигини тақиллатиб, кампирни сўради. Қўшни билмаслигини айтиб, гапни қисқа қилди. Леша бирон ерга чиққандир,


деган хаёл билан уйига қайтди.

Эртаси кунни хотини ва ўғлини олиб, кўчага чиққанда дўкон сотувчисини кўриб қолди-да, ундан дўстининг онаси ҳақида сўради. Сотувчи кампирни уч-тўрт кун олдин нон олиш учун дўконига келганини, шундан кейин уни кўрмаганини маълум қилди. Бу хабарни эшитган Леша такси ёллади-да, кампирнинг қўшни шаҳарчада истиқомат қилувчи танишлариникига йўл олди. Аммо улар ҳам ҳеч нарсадан хабарлари йўқлигини айтишгач, Лешанинг ҳайронлиги янада ошди. Қаёққа кетган бўлиши мумкин?

У ўзи истиқомат қиладиган кўча бошига етганда таниш бир йигитни учратиб қолди-да, таваққал дея ундан ҳам сўраган эди, йигит тўрт-беш кунча олдин кўргангани, у ерда Сергей исмли йигит ҳам яшаётганини айтиб, ундан сўраб қўришни маслаҳат берди. Шундагина Леша Сергейни эслади. Ахир кампирникига сўнгги марта борганида, у ўша йигит ҳақида гапирган, ўзи ҳам уни бир-икки марта узоқдан бўлса ҳам кўрган эди-ку!

— Ҳа, Сергей ҳозир қаерда экан, билмайсанми? — Нега билмас эканман, билман. Сал нарироқдаги эски уйлардан бирида ғирт маст ўтирибди.

Бу гапни эшитиб нима учун-до Лешада шубҳа пайдо бўлди ва у шу заҳоти устакта инспекторига кўнгирак қилиб, тезда учрашиш кераклигини айтди. У тезда етиб келиб,



Эркин ВОҲИДОВ,
Тошкент вилоят прокуратураси бўлим катта терговчиси

Лешадан бор гапни эшитгач, биргалашиб кампирнинг уйига боришди. Ичкарига кирганларидан кейин у ёқ-бу ёқни кўздан кечирган Леша, баъзи бир нарсаларнинг йўқлигини айтиб қолди. Шундан кейин вақтни ўтказмай, Сергейни кидириб топишди-да, уни бўлимга олиб келишди.

Сергей шу ерда туғилиб ўсгани-ю, кейинчалик Россияга кетиб, озроқ яшагани, сўнгра ортига қайтиб, паспортини алмаштирмоқчи бўлиб, ҳужжатларини тегишли органларга топширгани, аммо шу пайтгача иши ҳал бўлмаб, аросатда юргани, Павелнинг онаси билан эса, тасодифан танишиб қолиб, унинг розилиги билан уникида майда-чуйда ишларга қарашиб юрганини айтиб берди-да, уй бекаси қаерда эканлиги ҳақидаги саволга бир ҳафтача олдин Россиядаги қариндошлариникига кетганлигини маълум қилди.

Шундай бўлса-да, уй бекасининг тўсатдан йўқолиб қолиши юзасидан тезкор суриштирув-қидирув ишлари бошлаб юборилди. Буни қарангки, маҳалла-қўй, таниш-билишлар-

ди. Бироздан кейин арзимаган сабаб билан уришиб қолишадими-ю, жалдан эсини йўқотадиган Сергей ошхонага чиқиб, пичокни олади-да, ортига қайтиб, диванга ўтирган кампирга ташланади. Ўткир пичок саноқли дақиқаларда ўз ишини қилади...

Қилғиликни қилиб қўйган Сергей эса, эшикни қулфлаб, кўчага чиқиб кетади. Яқин орадаги қўшненикига кириб, у ерда ҳам вино ичиб, уйга қайтади. Беканинг ўлганига ишонч ҳосил қилгач, ҳовлига чиқиб, чукур қазийди ва мурдани кўмиб қўяди. Сўнгра яна кўчага равона бўлади. Вино олиб ичиб, айлиноб вақт ўтказди...

Хуллас, бекадан "кутулган" Сергей унинг уйида яшай бошлади. Бу вақт ораллигида марҳумга тегишли телевизор, ДВД аппарати, сув чиқарадиган мотор, бир қоп бўғди ҳамда товукларни бир-бир олиб чиқиб, сотиб юборади. Кампирни сўраганларга эса, тўсатдан Россиядаги қариндошлари чақириб қолиши, ўша ёққа кетди, дея жавоб беради. Айтмоқчи, жиноят изини яшириш мақсадига, беканинг паспортини топиб, ёқиб юборишни ҳам унутмайди...

Қотилга қилмишига яраша жазо тайинланди. Аммо, бошқа бир масала инсонни ҳайрон қолдиради. Маълум бўлишича, қотиллик содир этилишидан бир кун аввал ижтимоий таъминот бўлимидан келиб, ёлғиз яшовчи кампирга моддий ёрдам кўрсатиб кетилган экан. Бу ҳолат эса, юртимизда инсонпарварлик тамойилларига амал қилиниши, боқувчисини йўқотганлар ҳам давлат ҳимоясида эканлигига яна бир яққол мисолдир. Бирок, бу не ноқўрликки, хали 30 ёшга ҳам тўлган нафқорон йигит, ўзини бағрига олган онаси тенги аёлининг тузлигига тўлурса, энг аянчлики эса, унинг жонига қасд қилсал...

Талончилик

Р.Дааҳожаев ҳибсга олинган, лекин Р.Мираҳмедов қочиб ширинган эди. Телефонда отаси билан гаплашди.

— Қочиб қайқа борасан? — даласи чангитиб сўқди. — Билганлар айтишди. Ўз оёғинг билан келсанг, енгиллик бериларкан...

Раҳмон чорасизлигини англади. ИИБга буйинни эгиб борди. Дастлабки терговда айбига қисман иқдор бўлди. Суд мажлисида дастлабки терговдаги қабил хаммаси гўё беҳос, тўсатдан юз бергандай, тилло буюмлар кўзини куйдириб, уларга қандай чанг солиб, қандай олиб қочганини ўзи ҳам билмай қолгандай таассурот уюштиришга уринди.

— Ҳаёлимдаям йўқ эди бу ишлар. Дадаҳожаев билан Марғилонга биттасидан қарзни ундириб олгани бормоқчи бўлдим. Уни телефонда чақирсам, қариндошининг "Нексия"сида келди. Кўкундан чиқиб бораверишда улфатимиз Ҳасан мен илгари кўрмаган таниши билан мошинга ўтирди. Марғилонга кириб бораётганимизда, ҳозир аниқ эслолмайман, кимдир бу ерда тилло арзонанакан, бир кўрайлик-чи, деди. Мошинани шаҳардаги тилло бозорига бурдик. Ҳасан билан тиллофуруш аёлларнинг ёнига бордик. Браслетнинг нарх-навосини суриштирдик. Шугина яшакдада йигирма-ўттиз миллион сўмлик узук, зирак, браслет... "Олгинда, қоч!" Шайтон йўлдан урди. Ҳаёлимда ойнавад яшкани тортти олиш фикри туғилди... Ҳасан тиллофурушни гап билан чагитиб турганида яшкани қўлтиқлаб "Нексия" тарафга югурдим. Ҳасан ҳам ортимдан ҳаллослаб келиб мошинга ўтирди. Дадаҳожаев нима бўлганини сўраганида, тезда юргиз, дедим. Мошинада қочиб юбордик...

Судланувчининг гўё ўйла-масдан, беихтиёр, ўзи ҳам, оғайнилари ҳам кутмаган ҳолда тилла буюмларни тортти олиб қочгани ҳақидаги "чин кўнгилдан" айтган иқдорномаси ишдаги асбобларга зидлиги аққол кўзга ташланади. Далиллар, гувоҳларнинг кўрсатмалари талончилик жинояти аввалдан тайёргарлик кўриб содир этилганига шак-шубҳа қолдирмади. Режага мувофиқ талончилардан бири — Р.Дааҳожаев Кўкон шаҳрида яшайдиган қариндошининг машинасини сўраб олади. "Иш" аввалида жиноий шериклар из йўқотишни ўйлаб, "Нексия"га ўтириб қонишганини бир овоздан таъкидлашди. Яъни жиноий шериклар талончиликка аввалдан пухта тайёрланишганди. Талончилик содир этилаётганида жиноят қуроли бўлиши автомобилнинг давлат рақамини ечиб қўйиб, воқеа жойидан узоқроқ, хил-ватроқ жойга борганларида қайтадан қадаб олишса, қўлга тушмасликларига ишончлари қомил эди. Номерни қадаганларидан кейин барча қора рангли "Нексия"ларни тўхтаб текшираётган ИХХБ ходимларининг тўхташ ҳақидаги ишорасига бўйсунмасдан қочи-



Бахтиёр БОБОКУЛОВ,
Марғилон шаҳар прокурори
ўринбосари

шадди. Аввалдан тузилган режага кўра Раҳмон билан Ҳасан ва унинг ўртоғи ўғирланган буюмлар билан йўлда, қишлоқлардан бирида машинадан тушиб қолишди. Энди машинани тўхтатишса ҳам, Р.Дааҳожаев фақат ИХХБ ходимига бўйсунмай кетиб юборгани учун жавоб беради, деб хомтама бўлишди.

— Кўкунга қайтиб борганимда, уйимиз олдида бир неча машиналар турганини кўриб, яшириниб олдим, — давом этади судланувчи Раҳмон. — Дадам қўл телефонимга кўнгирик қилди. Мелисалар кетишди, келавер, деди. Уйга кириб тиллоларни эшик тагига қўйдим-у, дадамнинг кўзига кўринмай кетвордим...

Суд мажлисида жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳам ушбу жиноий қилмиш уюшган гуруҳ томонидан аввалдан режалаштирилиб содир этилганини исботлайди.

— Ўша кунни тилло бозорига эрталаб соат ўнларда чикдим, — дейди жабрланувчи Г.Ахророва. — Элик тўрт хил тилло буюмлар солинган доскачани столга қўйиб, савдо қила бошладим. Соат учларда олдимга нотаниш йигит келди. Бу неча пул, буниси-чи, деб савдолашган бўлди. Нарироққа бориб бирпас турди. Кейин яқинлашди-ю, тўсатдан яшкани чангаллади. Қўлга ёпишганимда силтаб ташлаб катта йўлга қочди. Қора "Нексия" унинг ёнига юриб келди. У мошинга ўтирганидан кейин учириб кетишди. Ўша пайтда келиб қолган ўлим талончининг ортиндан югурди-ю, улгурмади, етолмади...

— Кундузи соат учларда икки нотаниш йигит зирак, узукларнинг нархини сўрашди, — дейди гувоҳ А.Ҳошимова. — Манави йигит, яъни судланувчи балдоқ неча сўм, деди. Нархини айтсам, "браслет" олмоқчилигини айтди. Ортимда савдо қилаётган тиллофуруш аёл, яъни жабрланувчидан иккита браслетни олиб кўрсатдим. Харидор шеригига "Телефон қил, пулни тезроқ опкелешсин", деди. Кейин иккаласи нарироққа бориб, нималаридир гаплашишди. Харидорга браслетни саккиз юз минг сўмга олишиш мумкин, дедим. У ўртоғим пулни олиб келса, битта сиргаям қўшиб оламан деди. Ўртоғини уйи қаерда десам, бироз ўйланиб, Фарғонада деб, нари кетди. Беш дақиқача ўтиб ортимда Гулчехра қочиб кетиб юборди. Ўғирлиб қарадим. Халиги харидор йигит унинг яшканини қўли-

дан тортти олди ва йўл чеккасида юриб бораётган қора "Нексия" тарафга қараб югурди. Мошинага миниб қочди...

Суд мажлисида Р.Мираҳмедовнинг айби жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари, ашёвий далиллар билан тўқис исботланди. Р.Мираҳмедов жиноий шериклари билан ўзаро тил бириктириб, тилла бозоридagi савдогарлардан бирининг тилла буюмларини тортти олиб қочишни режалаштиришди. Жиноий гуруҳ аъзолари Кўкундан Марғилон шаҳрига соат кундузги учларда етиб келиб, очикдан-очик талончилик йўли билан Г.Ахророва билан 54 хил турдаги, жами 36 млн. 635 минг сўмлик тилла буюмларини тортти олишга, қочиб яширинишга уринишди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг қўрган чора-тадбирларини натижада талончилар узоққа бора олмади, тез орада бирин-кетин қўлга олинди. Суд ушбу жиноий қилмиш, яъни талончилик дастлабки терговда Жиноят кодексининг 166-моддаси, 4-қисми, "а" банди билан тўғри малакаланган деб ҳисоблади.

Жиноят кодексининг Х бобида босқинчилик, товламачилик, талончилик, фирибгарлик, ўғирлик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятлари учун жазо меъёрлари кўзда тутилган. Бировнинг мулкни очикдан-очик талон-торож қилиш талончилик бўлиб ҳисобланади. Талончилик биринчи марта, тақдиран ёки хавфли рецидивист, уюшган гуруҳ, ўта хавфли рецидивист томонидан қай йўсинда, қанча миқдорда содир этилгани каби ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда уч йилгача ахлоқ тўзатиш ишларидан тортти, ўн беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади (164-169-моддалар).

Р.Мираҳмедов жиноий шериклари билан очикдан-очик бировнинг буюмларини талон-торож қилгани учун суднинг қора курсисига ўтказилди. Суд ҳукми билан йигирма уч ёшга қирган, оилали, муқаддам судланмаган, ҳеч қаерда ишламай, саёқ юриб, охири-оқибат жиноят кўчасига қирган Р.Мираҳмедов 6 йил муддатга (шериги Р.Дааҳожаев бундан аввал судланган ва тегишли жазо тайинланган) озодлиқдан маҳрум этилди.

Улар — беш оғайни бир қишлоқда, бир маҳаллада яшашарди. Фермер бўлган катта ака — Аббосжон укаларини қанотига олиб, уларни рағбатлантириб борар, бундан етти йил аввал ўлиб кетган отасининг ўрнига отасек бўлиб қолган. Айниқса, қаси Анваржонга меҳри бўлакча эди. Унинг рўзгорига қайишиб турарди.

Шайтон йўлдан урган кун

Қахрамонжон НИЁЗҲУҲАЕВ,
Жалақудук туман прокуратураси терговчиси

Аббосжон унга 40 сотих ер ажратиб берди. — Бирор нима экиб, кунингни кўрарсан, — деди ака. Уканинг кунни туғди. Маҳалладаши Обиджонни топди. — Ер мендан. Бирор нима эксанг, тенгшерик қиламиз, — уқтирди у. — Тарвуз экамиз, — деди Обиджон яқдиллик билан. — Ёзда роса кетади-да. Шундай қилиб, ерга тарвуз уруғи экилди. Биринчи ҳосил пишиб етилди. Анваржонларнинг онаси Зухра ая қазо қилган бўлиб, ота эшикда қолгани учун маросимларни у ўтказиши лозим эди. Обиджон тарвузни яшиғина пулга сотди ва тушумдан 350 минг сўмини Аббос орқали Анварга бериб юборди. Аммо ака негадир бу пулни далада сомон ўқриқлаб ётган укасига бермади. Пул олганини айтмади ҳам. Эртаси кунни кўришганларида Обиджон:

— Аканга 350 минг берворгандим, олдингми? — деб қолди. — Йўқ, — деди Анвар, — Бўпти, оларман. Акамнинг эсидан чиқиб қолгандир, — деб индамади. — Пулни беринг, — деди Анваржон эртасига. — Пул йўқ, ишлатвордим, — вақ қилди ака. — Ахир, онамнинг хайитига ишлатмоқчидим, — деди ука. — Сенга ота ҳовлини ташлаб чиққанман, ўзинг бир нарса қилиб ўтказавер, — деди Аббос.

Аббоснинг уйда усталар ишлаётганлиги учун у пулни сарфлаб қўйганди.

Ношукур уканинг бош мақсади, қандай бўлмасин ўша 350 минг сўмини олиш бўлиб қолди. Пул унинг кўзларига меҳру оқибатдан-да азизроқ кўринди.

— Мен барибир ҳаққимни оламан, — деди у. Ўша кунни, яъни уттин йилги ёз ойининг 19 июль кунни Анвар ўзи яшаётган уйнинг дарвозахонасини текислатди. Тушлиқда бирга ердамлашган икки ўртоғи билан оз-оз ичиди. Унинг ширакайф кўзлари олдида яна акаси, пуллари жонланди. Дўстлари кетишди. Аста-секин борлиққа тўн чўка бошлади. У ухлаб қолди. Шу пайт Аббос кириб, уни уйғотди.

— Эртага Самидуллога ёрдам бергин бориб, бўптими? — Ака, пулимни берасизми-йўқми? — сўради ука. — Сенга пул йўқ дедим-ку, овар, — қойиб ташлади ака. — Берасиз, — деди у. — Бермайман, — деди ака. Аббос сўкинганича чиқиб кетди. Анвар яна уйкуга кетди. Шу пайт ер қимирлади, у тагин уйғотди.

Ичида шайтон гимирлади. — Пулимни ундиришим керак, — ўйлади у. Шу мақсадда ўридан туриб, акасининг уйи томон йўл олди. Акасининг уйдаги ички чироқлар ўнган эди. Ҳовлидаги ит уни тангани учун ҳурди-ю, аммо ташланмади.

— Яна нима гап? — сўради Аббос. — Пулимни беринг, — деди ука. — Пул йўқ, дедим-ку, — ўшқирди Аббос. — Ахир менинг иш ҳақим-ку, у, — бўш келмай Анвар. — Бор, йўқол, — деди Аббос. — Йўқолмайман, ҳозирок пулимни берасиз, — ўдағайлади ука. — Шунгаки, — деди ака ва ерда ётган полиэтилен трубаини олиб, уқаси томон югурди. Анвар қочиб, ёдвор ортга яшириниб. Унинг нияти бўзилган, хатто акасини ўлдириб бўлса-да, пулни қўлга киритишни истарди. Ҳозир унинг кўзлари қонга тўлган, оқу қорани фарқлайдиган ҳолда эмас эди.

Анвар ҳовлига қайтиб кирди-да, ерда ётган чизел мосламасининг эски, зангалаган гряделини олиб, акасининг ортидан юрди. Индамай бориб, нима сенга, дея Аббоснинг бошига зарб билан урди. Аббос мувозанатини йўқотди. Ука яна бир бор уни урди. Аббос тамоман ҳўшдан кетди. Ака йиқилди ва овози чикмай қолди. Анвар қон теккан мосламанинг қонини тулпроққа суртди-да, уйга олиб кириб қўйди. У ҳеч нима бўлмагандек, ўз уйига бориб ухлади. Эрталаб келганида акаси кечаги жойда ўлиб ётар, тепасини пашша босиб кетганида, у "Тез ёрдам" га ҳам хабар беради, сири очилиб қолишидан қўрқди. Унинг наздида бу жинояти гўё шундоқлигича қолаверадигандек эди.

Акасининг уйига кирди. Айвонда ўзининг ўғай ўғли Набишер турарди. — Нима бўлди? — сўради ҳеч нарса билмагандай. — Кеча кечкурун Камол ака билан Собит акалар (маҳалладошлар) кириб, буваам билан гаплашиб чиқиб кетишганди, — деди у. — Биров сўраса, худди шундай дегин, бошқа гап айтма, — тайинлади Анвар.

Бироқ, иш шундоқлигича қолмади. Тезкор суриштирувлар натижада Анвар Зиёдуллаевнинг қилмиши ошкор бўлди.

Дастлабки чоғдаёқ воқеа кунининг эғиди бўлган қатак эр-қаклар қўйлаги ва кон изи бор грядель ашёвий далил сифатида олинди.

Бундан таънининг турли қисмларидан жароҳатлар олган ака шу тариқа уканинг қурбони бўлди.

У судда ўз айбига иқдор бўлиб, кечирим сўради, аммо энди кеч. Ўз акасини 350 минг сўм учун ўлдирган қотил ука қонун олдида қилмишига яраша жазо олди.

Ҳа, оқ ароқни бежиз "шиша ичидаги шайтон" дейишмайди. Ана шу шайтон йўлдан урган Анвар ҳам умрининг бир неча йилни панжара ортида ўтказди.


Трансфер бозорида нима гаплар?

Бугун футбол шундай шиддат билан ривожланиптики, гўё шоу-бизнес соҳасидан ҳам ўзиб кетаётгандек. Спортнинг бу тури атрофида турли янгилıklar, миш-мишлар, чарм тўп усталари билан боғлиқ гап-сўзлар кўпайгандан кўпайиб бормоқда. Айниқса, трансфер ойнаси очилиши билан футболчиларнинг ҳам у клубга, ҳам бу клубга ўтмоқчилиги борасида миш-мишлар болалаб кетади.

Бу йилги кишки трансфер бозори ҳам анчагина шов-шув кўтарилишига сабаб бўлди. Мисол учун, "Манчестер Сити" клуби ва Аргентина терма жамоаси ҳужумчиси Карлос Тевес "шаҳарликлар" бош мураббийи билан чиқиша олмай қолгандан сўнг бошқа клубга ўтиб кетишга қарор қилди. Унинг кетишига "Сити" клуби ҳам қарши эмас. Бирор жамоа яхши таклиф билан чиқса, клуб Тевесни сотиб юборишни кўзлаб юрибди. Футболчининг ўзи эса Франциянинг "ПСЖ" ҳамда Англиянинг "Ливерпул" жамоалари "совчилари"ни рад этиб, Италиянинг "Милан" клубидан умид қилган эди. Аммо миланликлар ундан кўра Максис Лопесни афзал кўришди. Келинг, айти пайтдаги трансфер бозорида бўлаётган олди-сотдилар ҳақида фикр юритамиз. Дастлаб, ўзимизнинг футболчилардан бошлаймиз.

1. Гейнрих "Эмирейтс"га кетди

"Пахтакор" ва Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳужумчиси Александр Гейнрих Фрайбург



лиятини яна ижара асосида давом эттирадиган бўлди. Гап шундаки, аввалги мавсумни Жанубий Кореянинг "Сувон Самсунг" клубида ўтказган 28 ёшли ҳужумчи БАА олий дивизиони вакили "Эмирейтс" клубига ижарага берилди. У мазкур жамоада БААда футбол мавсуми сўнггига қадар тўп тепади. Айни пайтда Гейнрихнинг янги жамоаси 12 учрашувдан кейин 7 очко жамгарган холда турнир жадвалида ўн биринчи ўринни эгаллаб турибди. Ишончимиз комил, Саба бу клубнинг муваффақиятларига муносиб хисса қўша олади. Биз унинг БААдаги фаолиятига омад тилаб қоламиз.

2. Кападзе ҳам БААда

Ўзбекистон терма жамоаси сардори Сервер Жепаров Жанубий Корея чемпионатида ўтгандан сўнг унинг ортидан



Кападзе ва Гейнрих ҳам "К" лигага йўл олган эди. Кейинчалик Жепаров Саудия Арабистонининг "Аш Шабоб" клубига ўтди-ю, бир қатор терма жамоадолари ҳам араб клубларига ўта бошлади. Юқорида Гейнрихнинг Бирлашган Араб Амирликлари клубига ўтгани ҳақида хабар берган эдик. Ундан сал аввалроқ, терма жамоамиз ярим ҳимоячиси Темур Кападзе БААнинг "Ал-Шаржа" жамоаси билан беш ойлик шартнома тузди. Эслатиб ўтамиз, Гейнрих ва Кападзедан олдин Азиз Хайдаров БАА клубига ўтиб кетган эди.

3. Погребняк

"Фулхэм"га ўтди

Россиянинг "Спорт Экспресс" нашрининг хабар беришича, Германиянинг "Штутгарт" клуби ҳужумчиси Павел



Погребняк Англиянинг "Фулхэм" жамоаси билан шартнома имзолаган. Россиялик футболчи расман лондонликлар сафига ўтди ва келгуси фаолиятини "Фулхэм" сафига давом эттиради. Аммо трансфер билан боғлиқ тафсилотлар ҳозирча маълум эмас.

3. Тьяго Мотта "ПСЖ"да

Италиянинг "Интер" клуби ярим ҳимоячиси Тьяго Мотта энди фаолиятини Франциянинг "ПСЖ" жамоасида давом эттиради. Бу ҳақда футболчининг агенти Алессандро Канови хабар берди. Бирок биригина муаммо бор. Агар клублар




шартномани расмийлаштира олишмаса, Мотта Париж клубига ёзда бориб қўшилади.

4. "Арсенал" 19 ёшли

футболчини сотиб олди

Лондоннинг "Арсенал" жамоаси аввалдан Дортмунднинг "Боруссия" клуби аъзоси Марио Гётцега қизиқётган эди. Лекин бу борадаги уринишлар самара бермагач, "тўпчилар"



ўша клуб ярим ҳимоячиси 19 ёшли Томас Айсфельдни сотиб олди. Ёш иктидор эгаси Германия ёшлар терма жамоаси таркибидан чиройли ўйинлари билан кўпчиликнинг эътиборига тушганди.

"Томас ёш ва ўзини кўрсатишга улгурди. Уйлайманки, у жамоамизни тўлдиришга эришади. Биз уни ўзимизнинг клубга қорлаб қоламиз", - дейди Арсен Венгер.

5. "Интер" Гуаринни

ижарага олди

Миланин "Интер" клуби расмий сайтининг хабарига кўра, "нерадзуррилар" "Порту"дан колумбиялик ярим



ҳимоячи Фредди Гуаринни ижарага олди. Шартнома бандлари ҳали ошкор этилмаган, аммо олдинроқ "Football Italia" нашри Гуариннинг ижараси "Интер"га 1 миллион еврога тушиши мумкинлиги ҳақида

хабар берганди. Шунингдек, манбада ижара муддати тугагач эса, "нерадзуррилар" футболчини 11 миллион еврога сотиб олишлари мумкин дейилганди.

6. Павлюченко

"Локомотив"да



Хабарингиз бор, Россия терма жамоасининг 2008 йилги Европа чемпионатидаги муваффақиятли иштирокидан сўнг, терма жамоа аъзоларига топ клубларнинг қизиқиши ортиб, бир қатор футболчилар Англияга йўл олган эди. Аммо премьер лигада россиялик футболчилар муваффақиятли ўйнаб кета олишмади ва ўз юртларига қайта бошлашди. Бу борада илк қадамни Юрий Жирков ташлади. У Лондоннинг "Челси"сидан Махачқалъанин "Анжи" клубига кўчиб ўтган эди. Айни пайтда "Арсенал"да тўп сураётган Аршавиннинг ҳам жамоада қолиш-қолмаслиги сўроқ остида турибди. Россия терма жамоасининг яна бир ҳужумчиси Роман Павлюченко "Тоттенхэм" клубига ўтганидан буён заҳира ўриндига ўрнашиб қолди. Шу сабабли ҳам кишки мавсумда жамоасини ўзгартиришга қарор қилган кўринади. "Тақачилар" веб сайти хабарига кўра, Павлюченко Москванинг "Локомотив" клубига ўтди. Ҳужумчи инглиз клуби таркибиде 113 та учрашувда майдонга тушиб, 42 та гол уришга эришган. Бу мавсумда Россия термасининг ҳужумчиси Англия чемпионатида 5 та учрашувда майдонга тушиди ва битта гол уришга муваффақ бўлганди.

7. "Байер" Чорлукани

ижара олди

"Тоттенхэм" жамоасининг хорватиялик ҳимоячиси Вера Чорлука ижара асосида Ливеркузеннинг "Байер" жамоасига ўтди. 25 ёшли футболчининг ижара муддати шу

Мақсудали ҚАМБАРОВ,

«Нуқуқ»



мавсумнинг охиригача давом этади. Эслатиб ўтамиз, Чорлука "Тоттенхэм"га 2008 йилда ўтганди. Ушбу мавсумда у Англия премьер-лигасида бор-йўги 3 та ўйинда майдонга тушган.

8. "Анжи" Тевес ва Аршавинга харидор

Италиянинг "Gazzetta dello Sport" нашри томонидан хабар қилинишича, Махачқалъанин "Анжи" клуби "Манчестер Сити" клуби ҳужумчиси Карлос Тевесни сотиб олиш ҳаракатига тушган. Маълум бўлиши-



ча, "Анжи" клуби Карлос Тевесга йиллиг 18 миллион евро маош таклиф қилган. Айни вақтда "Манчестер Сити" ва Карлос Тевес ўртасидаги зиддият янада улканроқ кўриниш олган. Клуб футболчини ўзбошимчалик билан Аргентинага кетиб қолгани учун уни жазолашга қарор қилган эди. Жазо шундан иборатки, футболчи клуб ихтиёрида бўлмаган кунлари учун маош олмайди. У олти ҳафта давомида машгулотларга келмагани сабабли, 1,2 миллион фунт стерлинглик маошидан маҳрум этилган.

Шунингдек, махачқалъаликлар "Арсенал" клуби ярим ҳимоячиси Андрей Аршавинни сотиб олиш борасида ҳам музокараларга киришган. Айни пайтда бу борада дастлабки музокаралар ўтказилмоқда. Хабарингиз бор, Аршавиннинг сўнгги пайтларда "Арсенал"даги ишлари юришмаётган эди.

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин!

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси шаҳар прокуратураси бўлим катта прокурори Пулат Назаровга падари бузқувори Рўзим отанинڭ вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Нуқуқ

yuridik gazeta

Muassis:

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:

Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Abbosxon SANGINOV Baxtiyor NAZAROV
Muxtor ZOIROV (Bosh muharrir)
Gulnoza RAHIMOVA o'rinbosari)
Yusupboy GO'POV Shavkat YODGOROV
Svetlana ORTIQOVA (mas'ul ko'ib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

233-10-53

Faks: 233-10-53,

233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'yilmalar taqdir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma j-3793.51 075 nusxada bosiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: Sh.YODGOROV
Musahihhi: M.Q.AMBAROV
Nashratchi: O'.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yl 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

